Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Обуначига — 1 сўм 50 тийин. Сотувда—3 сўм.

1992 йил 22 октябрь, пайшанба № 208 (21.306).

НАМАНГАН. Задарё районидаги Наманган давлат хўжалиги далаларида йиғим-теримн авжида. 6-бўлимнинг Исмоилжон Ҳотамов бригадаси пахтакорлари ўзаро меҳнат беллашувида пешқадам. 50 гектар ердан 70 тонна ҳосил олиш ниятлари бор. Мавсумда машина теримига эътибор зўр ва ундан умид катта. Ахир қирқ ёшни қаршилашга шай Муҳаммад Исобоевдек йигитлар 130 тоннани мўлжаллаб турганда, ҳосил ерда қолармиди!!

Суратда: Ўзбекистон Халқ демократик партияси хўжалиқ бошланғич ташкилоти котиби А. Эргашев (чапда) М. Исобоев билан ҳосилнинг сифати тўғрисида суҳбатлашмоқда.

Ҳамид ФОЗИЛОВ олган сурат.

НЕЧАНЧИ ЎРИНДАСИЗ?

РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 21 ОКТЯБРГА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — вилоятлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан бери

Фарғона	1,89	67,04
Андижон	2,23	65,35
Бухоро	2,55	64,46
Наманган	2,51	57,10
Сурхондарё	1,93	53,75
Қашқадарё	3,19	52,83
Хоразм	2,17	52,55
Қорақалпоғистон Республикаси	2,67	43,84
Навоий	2,77	36,54
Тошкент	4,03	35,95
Сирдарё	3,61	23,91
Самарқанд	2,54	22,82
Жиззах	3,20	19,43
Республика бўйича:	**2,70**	**47,30**
1991 йилдагиси	**1,32**	**91,95**

ҲУКУМАТ ҚОНУН ИЖРОСИ БИЛАН БЕВОСИТА ШУҒУЛЛАНМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БОШ ВАЗИРИ, ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДАГИ ҚОНУННИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ КОМИССИЯСИНИНГ РАИСИ А. МУТАЛОВНИНГ МУХБИРИМИЗ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБЛАРИ

Мухбир — Абдулҳошим Муталович, бугун тарихий кун, ўзбек халқининг асрлар мобайнидаги орзуси рўёбга чиққан кун. 1989 йилнинг 21 октябрида Ўзбекистон Олий Кенгашининг сессиясида ўзбек тилига давлат мақоми берилди.

Мазкур сессияда ушбу қонунни қабул қилишнинг ўзи бўлгани йўқ. Айрим гуруҳлар томонидан тазйиқ ҳам бўлди. Шундай бўлсада, баъзи камчиликлардан ҳоли бўлмаган ҳолда, мустақиллигимизнинг бойчечаги бўлмиш ушбу қонун қабул қилинди. Мана шу ўтган давр мобайнида Сиз раислик қилаётган давлат комиссияси томонидан жуда кўп ишлар амалга оширилди. Суҳбатимиз аввалида шу ҳақда сўз юритсангиз.

А. Муталов — Ҳақиқатан ҳам ўша 1989 йилда «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида» қонун қабул қилиниши катта воқеа бўлган эди. Чунки бу қонун мустақиллигимизнинг илк нишонаси эди. Тоталитаризм тузуми шароитида бундай қонунни қабул қилиш катта жасорат фидойиликни талаб этарди.

Қонун ижроси Вазирлар Маҳкамасига топширилган. Шуни ҳисобга олиб қонунни амалга ошириш бўйича давлат дастури ишлаб чиқилди. Дастур 1990 йил 19 февралда Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланди. Давлат дастурида республикамиз вазирликлари, комитетлари, идоралари, ташкилотлари, корхоналари, вилоятлари, шаҳарлари, районлари олдида турган вазифалар ўз ифодасини топган бўлиб, давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш тадбирлари мажмуасидир. Ўша қарорга биноан Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш комиссияси ҳам тасдиқланган.

Мен Вазирлар Маҳкамаси комиссиясининг кейинги йилдаги иши ҳақидагина тўхталиб ўтмоқчиман. Энг аввало, комиссиянинг иш тартиби ўзгарди. Унда турли

(Давоми учинчи бетда).

ҚИСҚА САТРЛАРДА

«ҚАЛБ ХОТИРАСИ»

Чирчиқ кимёгарлари маданият ва техника саройининг «Осиё» видиостудияси суратга олган «Қалб хотираси» фильмида Афғонистондаги жанглар давомида ҳалок бўлган чирчиқликлар ҳақида ҳикоя қилинади. Бу ерда мазкур лента томошабинларга илк бор намойиш этилди. Фильм ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Унда афғон урушидан қайтмаган 22 навқирон йигит ҳақида бор гаплар ҳаққоний акс эттирилган. Уларни чирчиқликлар ҳали ҳам хотирлайдилар ва қалбларида сақлаб келмоқдалар.

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

20 октябрь куни Малайзия давлатининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Муҳаммад Ҳорун Малайзия Мустақиллиги кунининг 35 йиллиги муносабати билан қабул маросими ўтказди.

САМОЛЁТСОЗЛАР ҲУЗУРИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат котиби Р. Ражабов ва республика Бош вазирининг ўринбосари А. Н. Возненко бошчилик қилган ҳукумат комиссияси В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг фаолияти билан танишди.

Комиссия аъзолари бирлашма жамоаси ва фаоллари билан суҳбатлашдилар, республикадаги сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий вазият, жумҳурият раҳбарлиги ва мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари тўғрисида сўзлаб бердилар, авиасозларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

ПОЛИКЛИНИКАДА ОПЕРАЦИЯ ҚИЛИШАДИ

Наманган вилоят Уйчи районининг марказида янги поликлиника очилди. Бу ерда ўттиздан ортиқ мутахассислиқка эга бўлган шифокорлар беморларни қабул қилишмоқда. Янги муолажа муассасаси энг замонавий ускуналар билан жиҳозланди, ускуналар сотиб олиш учун тўрт миллион сўм пул сарфланди. Бу эса беморларни худди касалхонадагидек даволаш имконини беради. Яқин орада поликлиникада амбулатория жарроҳлиги маркази иш бошлайди. Тажрибали шифокорлар унча мураккаб бўлмаган жарроҳлик ишларини бажарадилар. Бундай ишлар илгари фақат район касалхонасида амалга оширилади.

БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИГА

Тошкент мактабларининг бирчда саккизинчи синфда ўқиётган Роман Б. мактаб дастурини ўзлаштириб олишида махсус ўқув магнитофони жуда қўл келиб қолди. Бу магнитофонни кўзи ожиз болага Ўзбекистон Болалар жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ҳузурида ташкил этилган «Севинч» фирмаси совға қилди.

[ЎзА мухбирлари].

● *Газетхонлар билан мулоқот*

ҚУВОНЧИМИЗ ҲАМ, ТАШВИШИМИЗ ҲАМ БИР

Балиқчи, Шахрихон районларида «Ўзбекистон овози» газетаси ижодий ходимларининг хўжалик раҳбарлари, бошланғич партия ташкилотларининг котиблари ҳамда жамоа меҳнаткашлари билан учрашувлари бўлди.

Учрашувга Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг иккинчи котиби М. Қирғизбоев, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат назорати қўмитаси Андижон вилоят бошқармасининг бошлиғи Б. Раҳмонов, ХДП вилоят кенгашининг иккинчи котиби А. Раҳимов, «Ўзбекистон овози» рўзномасининг вилоят мухбири А. Қуронбоев, шоирлардан З. Рўзиева, Ш. Сиддиқова, Х. Қуронбоев, ёзувчи М. Ниёзовлар ташриф буюрдилар. Учрашувда ХДП Балиқчи район кенгашининг биринчи котиби С. Расулова, райондаги барча хўжаликларнинг раҳбарлари ҳамда бошланғич партия ташкилотларининг котиблари, идораларнинг бошлиқлари, обунага қўмаклашувчи жамоатчилар ҳам иштирок этдилар.

Район ҳокими Абдусаттор Ғаниев учрашувни очиб, дастлабки сўзни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг иккинчи котиби М. Қирғизбоевга берди.

— Бу йил жумҳуриятимиз ҳаётида учта унутилмас воқеа рўй берди, — деди Марказий Кенгаш котиби, — халқимиз ўз мустақиллигининг бир йиллигини зўр шодиёна билан нишонлади.

Иккинчи тарихий воқеа: Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобининг яратилишидир. Бу қимматли қўлланма ҳаммамиз учун ғоят зарур эди. Унда Ўзбекистоннинг ўз йўли нимадан иборат эканлиги атрофлича тушунтириб берилган. Биз бу асар китоб ҳолида босилиб чиқмасданоқ «Ўзбекистон овози» орқали танишиш имкониятига эга бўлдик.

Учинчи воқеа, Ўзбекистон Республикаси биринчи Конституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасига қўйилишидир.

Шундан сўнг Марказий Кенгаш иккинчи котиби «Ўзбекистон овози» рўзномаси фаолияти ижобий томонга ўзгаргани, танқидий чиқишлари кўпчиликка маъқул бўлаётгани, отахон рўзнома Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг нашри сифатида партия ҳаётини яхши ёритаётгани, партия раиси бўлган Президентимиз уни қўллаб-қувватлаётгани ҳақида гапирди ва балиқчиликларни «Ўзбекистон овози»га кўпроқ обуна бўлишга чақирди.

— «Мен «Ўзбекистон овози» рўзномасининг доимий мухлисиман, — деди ёзувчи М. Ниёзов, — ундан кўп нарса ўрганаман ва ўзим ҳам ахлоқ-одоб мавзуида ёзилган мақолаларим билан қатнашиб тураман. Газета кейинги пайтларда қизиқарли, ўқимишли чиқяпти.

Шоирлар Холдоржон Қуронбоев, Замира Рўзиева, Шоҳида Сиддиқова «Ўзбекистон овози» ислом, имон, эътиқод, иқтисодий муаммолар ҳақида жиддий чиқишлар қилаётгани ҳақида сўзладилар ва йиғилганларга ўзларининг янги шеърларидан ўқиб бердилар.

— Андижон вилоятида «Ўзбекистон овози»га обуначилар сони камида 22 минг кишига етади, — деди вилоят давлат назорати бошқармасининг бошлиғи Бегижон Раҳмонов, — мен Избоскан, Комсомолобод, Қўрғонтепа, Жалолқудуқ, Хўжаобод, Булоқбоши районлари ҳокимлари билан шу хусусда суҳбатлашдим, улар: «бизнинг районларда «Ўзбекистон овози»нинг мингтадан обуначиси бўлади», деб мени ишонтирдилар. Балиқчида ҳам обуначилар кўп бўлишига ишонаман.

Балиқчи район ҳокими Абдусаттор Ғаниев учрашув якунида бундай деди:

— Балиқчиликлар «Ўзбекистон овози»га доимо меҳр билан қарайди. 1993 йилда мазкур газетанинг 2 минг обуначиси бўлишига эришамиз.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг иккинчи котиби М. Қирғизбоев Шаҳрихон районида бўлиб, партия билетлари топширилиши ва «Ўзбекистон овози»га обунанинг аҳволи билан қизиқди. Район ҳокими Зокиржон Усмонов: «Янги йилда Шаҳрихонда «Ўзбекистон овози»нинг 2 мингдан кўпроқ обуначиси бўлади», деди.

Шундан кейин Марказий Кенгаш котиби райондаги «Найнаво» жамоа хўжалигига борди, бошланғич партия ташкилотининг фаолияти билан танишди. «Ўзбекистон овози»га обунанинг боришини ҳам суриштирди.

Марказий Кенгашнинг иккинчи котиби М. Қирғизбоев Бўз районида пахта тераётган Андижон Давлат дорилфунуни тарих ва журналистика факультетларининг талабалари ҳузурида бўлиб, улар билан суҳбатлашди. Учрашув ва суҳбатлар пайтида Марказий Кенгаш котибига ХДП вилоят кенгашининг иккинчи котиби А. Раҳимов ҳамроҳлик қилди.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

● *Ширин калом*

ҲОРМАНГЛАР, ҚИЗЛАР!

Пахта термаган ўзбек бўлмаса керак. Бўлса бордир ҳам эҳтимол, бироқ ўша «умримда чаноқни кўрмаганман», деб мақтанган энг олифта йигит ҳам, энг танноз қиз ҳам ҳар оқшом пахтазорда бўлмаса ҳам пахтани қучоқлаб ётган. У ҳориб келиб ўзини ПАХТА қучоғига отган, керишиб ўрнидан тураётиб ПАХТАНИ қучоғидан чиққан. Яъни, момиқ кўр-па-ча-дан!..

Тўғилганида—йўргаги пахта бўлган.

Керилганида—эгнидаги кўйлаги ҳам.

Умри узоқ бўлсин, поймонаси тўлган куни ҳам уни ўша ПАХТА сўнгги йўлигача ҳамроҳи бўлади...

Соатлаб навбатда туриб, ёки бўлмаса, ойлаб пул йиғиб, орзиқиб сотиб олганингиз—ажнабий матохда ҳам ўша пахтангиз.

Хуллас тирноғингиздан сочингизгача... пахта «теради».

Қани энди «мен чаноқ кўрмаганман», деб мақтаниб кўрингчи!...

Мен ажойиб куз кунларидан бирида, ажойиб теримчи қизлар—заҳматкаш сингилчаларим билан суҳбатлашиб ўтириб ана шуларни ўйладим. Бир қарасанг, ушоққина, ранг-паргина шу қизалоқлар мустақил мамлакатимиз учун, эҳтимол, энг кўп хизмат қилаётгандирлар. Улар терган пахтани нортуяга ортса, бели узилиб кетса ҳам ажабмас.

Қаҳажонлар эса, ҳеч нарса кўрмагандек тағин ҳазиллашишади ҳам:

— Шоир ака, ўзлариям пахта терганмилар?..

— Кеннойимиз-чи?

Терганман, терганман, қизлар. Мактабда ҳам, талабалик давримда ҳам. Эҳтимол далада қорайиб кетгандирман. Эҳтимол, шу момиқ пахта мени шоир қилгандир. Фақат ўшанда кўп нарсаларни қадрига етмаган эканман. Айтайлик, тупроқни. Одам тупроқдан, ердан қанча узилиб қолса, унда шунча самимият камайиб бораркан.

— Шеър ўқиб беринг!..

Эҳ, сингилжонларим-а. Қани энди қўлимдан келса ҳозир сизга битта қўшиқ айтиб бersам. Шеър нима? Ҳамма ёзган шеъримни Сизнинг битта беғубор табассумингизга олмайман. Пахта ҳиди анқиб турган кафтингиз тўла ризқ сизнинг, дунёдаги барча олиму шоир, шоҳу гадо, фазогиру даҳоларнинг ризқи сизнинг қўлингизда.

Қўлингиз дард кўрмасин, илойим!...

Биламан, кимдир ҳозир ихтеъзоли жилмайиб турибди. Пахта деса, энсаси қотадиган бундай зотларнинг қулоғига айтадиган гапим бор: Кел, оғайни, бир марта кўшкиндан туш. Одамгарчилик қилиб бу ёғини ўқима-да, бориб видеонгни кўр ёки баринга беркиниб музқаймоғингни тушир.

Менинг эса ўша оддий ва саховатли теримчи сингилларимга илиқ бир иловам қолди:

— Ҳорманг, қизлар! Хирмонингизга барака. Тўйингизда албатта битта шеър ўқиб бераман!

Муҳаммад ЮСУФ.

ЎЗИНГДАН МАДАД ИЗЛА

Бу йилги терим мавсуми қандай ўтаётир? Ҳашарчилар мададига муҳтожлик борми? Шу хил саволлар бизни Жиззах вилояти сари етаклади ва жавобни Зафаробод районидаги Собир Раҳимов номли давлат хўжалигидан топгандек бўлдик.

— Аслида-ку, ҳашарчининг фойдаси тегади, — дейди давлат хўжалиги директори Тошпўлат ака Эргашев. — Аммо мен ҳашарчига сарфланадиган харажатни тежаб қолиб, хўжалик меҳнатчиларига, уларнинг бирор бир заруратига сарф этмоқчиман.

Хўжаликнинг йиғим-теримни тез тугаллаш борасида пухта тадбирлари ва кўрсатишга арзигулик тажрибаси бор. Чунончи, Тошпўлат ака бундан тўрт йил муқаддам вилоятда бўлган катта йиғилишларнинг бирида: «Ҳосилни ҳашарчисиз йиғиштириб олиш» ташаббуси билан чиққан эди. Ўшанда баъзилар унинг устидан кулишганди ҳам. Вақт эса унинг ҳақлигини исбот этди. Кулганлар ер чизиб, Т. Эргашевдан маслаҳат сўрайдиган бўлиб қолдилар.

Хўжалик меҳнаткашлари бу йил 3075 гектар ерга чигит қадашди. Кўкламда деҳқонлар ҳадеганда чигитни ундириша олмади. Обҳаво инжиқлиги бунга йўл қўймади. Карим Ражабов, Ҳабиб Жуманов, Қувондиқ Боймирзаев бошлиқ бригадаларда қатқалоқ, яганалаш, бегона ўтдан тозалаш каби юмушлар такрор ва такрор бажарилди. Ниҳоят ҳосил етилди.

Бу йилги терим мавсумида, айниқса, механизаторлардан умид катта. Ахир, режанинг беш кам юз фоизи шулар кучи билан адо этилмоқчи-да. Шу боис, 74 механизаторга ҳам бир хил талаб қўйилган. Хўжаликда миқдор ва сифат кўрсаткичига қараб ҳақ тўлаш жорий этилибди. Мабодо, механизатор 50 тоннадан кўп пахта терса — 100 сўмдан, 75 тоннадан ортса 150 сўм ҳақ олади. Агар бирор механизатор мавсумда 100 тоннадан ошиқ пахта тергудек бўлса, ҳар тоннаси эвазига 250 сўмдан, жами 25 минг санаб олади.

Ерга тўкилган пахта миқдори 1 центнердан 1,5 центнергача бўлса — 10 фоиз, 0,5 центнердан ошмаган тақдирда эса — 20 фоиз қўшимча ҳақ тўланади. Қўл теримида иштирок этувчиларга ҳам сифат ва миқдор кўрсаткичига қараб устама тарзида ҳақ тўлаш 2 сўмдан 3 сўмгача ошиб боради. Бу эса уларга берилган имтиёз.

Лекин жавобгарлик чораси ҳам бор. Агар ерга тўкилган пахта миқдори гектарига 2,0 центнердан ошиб кетса, механизаторлар иш ҳақидан 10 фоиз чегириб қолинади ёки шу механик-ҳайдовчига пахта териш таъқиқлаб қўйилади. Бу ишларни кўздан кечирадиган, керак пайтда сарф ҳисобини қиладиган алоҳида комиссия бор.

Албатта, бу тадбирлар деҳқоннинг машаққатли меҳнати эвазига бунёд этилган ҳосилни тез ва тоза йиғиштириб олишни, бундан деҳқонлар ўтган йилгидек яхшигина манфаат кўришларини назарда тутади.

— Ўтган йилги ҳосилдан ўзимизга қолган 5 фоизлик пахтани 40 миллион сўмга сотдик. Унинг нимага сарфланганини хўжалик меҳнаткашлари касаба уюшмасининг раиси Иззатилла Ҳотамовдан сўрайсиз, —дейди Тошпўлат Эргашев саволни сизга бераётир, деган маънода унга юзланиб.

— Аввало, биз меҳнаткашларга ёрдамни мактаб ўқувчиларини ижтимоий ҳимоялашга эътиборни кучайтиришдан бошладик, — дея гап бошлайди уюшма раиси. —6—11-синф ўқувчилари хўжалигимиз ҳисобидан бепул овқатлантирилмоқда. Мавжуд 4 та болалар боғчасидаги тарбияланувчилар ҳам хўжалигимиз ҳисобидан овқат билан таъмин этиляпти. Езги таътил пайтида 150 ўқувчи оромгоҳда бепул дам олди. Хўжаликдаги икки мактабнинг иситиш тармоқларини тузатишга 320 минг сўм сарфланди. 26 ўқувчи ва институтларда 9 талаба хўжалик ҳисобидан стипендия олаётир.

Яна олинган даромаддан санаторий ва дам олиш уйларига йўлланмалар, тўй-ҳашам, марака-ю маросимларга, нафақахўр ва ночор оилаларга кўмак берилмоқда. Тегирмон, жувоз қурилди. Президент Фармонига мувофиқ, меҳнаткашларга томорқа берилиши натижасида 70 хўжалик янги уйлар қуриб, кўчиб ўтди. Бунинг учун анчагина маблағ сарф этилди.

Хўжаликда истиқомат қилаётган аҳолининг маданий-маънавий савиясини ошириб бориш мақсадида «Ўзбекистон овози» газетасига 200 киши давлат хўжалиги ҳисобидан бепул обуна қилинди.

Дарвоқе. Т. Эргашевнинг ҳашарчи қабул қилмаслик тўғрисидаги фикри кишини бенхтиёр ўйга солади. Назаримда, директор ҳашарчилар уларни нафақат сарф-ҳаражатга, балки бир олам ташвишга қўйишини ҳам ўйлаётгандек туюлди менга. Чунки, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ҳашарчи теримчиларга мундайроқ шароит яратиш ҳам қийин. Шундай бўлгач, бу йилги шароитда пахтакорларга ҳашарчилар мадади қанчага тушади? Собир Раҳимовлик пахтакорларнинг жавоби эса шундай: ўзгага кўз тикмай, мададни ўзингдан изла! Улар ана шу жавобларга яраша ўз имкониятларидан иложи борича самарали фойдаланмоқдалар.

...Хўжаликда ҳар куни 3—4 фоиздан пахта териб топширилянти. Биз у ерда саноқли кунлар ичида марра эгалланишига ишонч таассуроти билан қайтдик.

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

МАРРАГА ЕТГАНЛАР

● Ғузор районидаги М. Ҳасанова номли давлат хўжалиги маррага етди. Қабул пунктига 1600 тоннадан зиёд «оқ олтин» топширилди.

Миришкорлар зиммаларига янги мажбурият қабул қилдилар: яна 500 тонна пахта тайёрланиб, ялпи хирмон 2100 тоннага етказилади.

Районда «Навбаҳор» хўжалиги деҳқонлари ҳам йиллик пахта тайёрлаш режасини ошириб уддалайди.

М. КАРОМОВ.

ВИЛОЯТДА ПЕШҚАДАМ

● Қизилтепа районидаги «Зарбдор» ижара хўжалигида ҳар куни йиллик режанинг 3,5—4 фоизи миқдорида пахта тайёрланяпти.

Хўжалик деҳқонлари мавсум бошидан буён йиллик планнинг 90 фоизи миқдорида хом ашё тайёрладилар.

Оммавий сафарбарлик туфайли хўжалик на фақат районда, балки вилоятда пешқадамлик қиляпти. Куни кеча хўжаликнинг қатор бригадалари зафар маррасига етишди. А. Исломов, Н. Муҳаммадий бошлиқ бригадаларда мажбурият ҳисобига ҳосил топширилянти. Заршунослар ҳосилдорликни гектар бошига 35 центнерга етказишмоқчи.

М. ШАРОПОВ.

ОБУНА—93

ХАТИРЧИДА ХОТИРЖАМЛИК

Маълумки шу кунларда матбуот нашрларига обуна қизғин давом этмоқда. Навоий вилояти айрим районларида бу сиёсий тадбир уюшқоқлик билан олиб борилаяпти. Айниқса, Қизилтепа, Навбаҳор, Навоий районларида жумҳуриятимиз марказий нашрлари — «Ўзекистон овози», «Халқ сўзи» газеталарига ҳамда ойномаларга ёзилиш талаб даражасида. Бироқ Томди, Учқудуқ, Хатирчи районларида келгуси йил учун обуна бўлиш ниҳоятда қониқарсиз.

Хатирчи районида 10 октябрга қадар марказий нашрларнинг бирортасига ҳам обуна расмийлаштирилмади. Жумладан, «Ўзбекистон овози» ва «Халқ сўзи»га ҳам. Яқинда Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши бюросида бу масала кўрилиб, алоҳида қарор қабул қилинди ва район кенгашларига жўнатилди. Ана шу қарорда кўрсатилишича, Хатирчида келгуси йил учун «Ўзбекистон овози»га 1,5 минг нусхага ёзилиш режалаштирилган. Ўз навбатида ХДП Хатирчи район кенгаши ҳам бу масала юзасидан қарор қабул қилиб, жойлардаги бошланғич ташкилотларга, обунани уюштирувчиларга юборди.

Хўш, бирор силжиш борми? Афсуски, йўқ. Обуна мавсуми охирлаб бораётган бўлса-да ҳамон хотиржамлик. Нима, районда матбуотнинг ёҳуд ошкоралигининг нуфузи тушдими? Ахир нечоғлик қимматчилик, қоғоз тақчиллиги юз бераётган бўлсада марказий нашрлар, айниқса «Ўзбекистон овози» ҳафтада беш маротаба чоп этилиб, халқнинг айни дилидагини топиб айтаяпти-ку!

Район почта-алоқа тармоқлари матбуот тарқатиш корхонаси бошлиғи Н. Избосаровнинг ишга салбий муносабати туфайли нафақат келгуси йил учун обуна ўз ҳолига ташлаб қўйилган, балки 1992 йил учун расмийлаштирилган матбуот турларини ҳам муштарийлар ўз вақтида олиб ўқишолмаяпти. Сабабини суриштирсангиз Н. Избосаров ҳам, қўйингки, Хатирчи районининҳокимлигидаги масъул ўртоқлар ҳам почта хизмати издан чиққанлигини, матбуот тарқатувчилар штати қисқариб кетганлигини баҳона қилишади. Амалда шундаймикин? Ҳа, кейинги бир йил мобайнида Хатирчида 142 нафар алоқа ходимининг 92 нафари ишдан бўшади, 28 та алоқа бўлимининг 10 таси ёпиб ташланди.

Бунга «Ориф» деб номланган кичик корхонанинг очилиши сабаб бўлди. Жумҳурият ижтимоий таъминот вазирлиги районда тажриба тариқасида нафақахўрларга хизмат кўрсатувчи ушбу корхонани очди-ю почта бўлими фаолияти айтарли тўхтаб қолди. Чунки район почта тармоғи мўмай даромадни фақат нафақа пулларини тарқатишдан, нафақахўрларга хизмат кўрсатишдан оларди. «Ориф» иш бошладию газета-журналлар район почта бўлимида тахлам-тахлам тўпланиб қоларди. Оқибатда Хатирчининг олис қишлоқларидагилар бутунлай хат-хабарсиз қолишди.

Натижада эътироз ва шикоятлар кўпайгандан-кўпайди. Ахийри бўлавермагач, район ҳокими шу йил 1 августидан бошлаб «Ориф» кичик корхонасини ёпиш тўғрисида қарор чиқарди. Аммо республика ижтимоий таъминот вазирлиги бунга кўнмаяпти. Чунки корхона тушган фойдадан вазирликка фоиз ажратиб турибди-да. Хуллас, «Отанга бор-онанга бор» қабилидаги ишлар кўп сонли хатирчилик муштарийларни ташвишга солмоқда. Бу эса келаси йил обунаси учун ҳам тўсқинлик қиляпти. Ахир, юраги безиллаб қолган газетхон келгуси йил нашрларига қандай қилиб ёзилсин!..

Қани, кутайликчи, жумҳурият Алоқа вазирлиги ушбу масалага қай тартибда ойдинлик киритаркан?

М. ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• ОЛИЙ ТАЪЛИМ: ИЗЛАНИШЛАР ЙЎЛИДА

МУСТАҚИЛЛИК МАКТАБДАН БОШЛАНАДИ

Ўзбекистонда мустақиллик шабадаси эса бошлади. У кўнгилларга умид солиши билан фараҳбахшдир. Ҳозирги пайтда ўзини ватанпарвар деб биладиган ҳар бир инсон ўз истеъдоди, қобилияти, куч ва ғайратини республика мустақиллиги, унинг равнақи, истиқболи учун сафарбар қилмоғи шарт.

Халқ хўжалигининг барча тармоқлари қийин кунларни бошидан кечираётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Иқтисод кундалик турмушнинг энг долзарб масаласи бўлиб қолмоқда. Нарх-наволарнинг мўътадиллашуви қийин кечмоқда. Аммо худди ана шундай оғир шароитда ҳам мустақил республикамиз ҳукумати ва айниқса, Президентимиз И. А. Каримов жумҳуриятдаги халқ таълими тизимини бир дақиқа ҳам диққат марказидан четда қолдираётгани йўқ. Бу зиёлилар қалбида ўз акс-садосини бераётир.

ОХИРГИ бир ярим йил мобайнида ўқитувчилар, тарбиячиларнинг иш ҳақлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари стипендияларининг 16—17 маротаба оширилганлигини айтишнинг ўзи кифоя. Бу маорифчиларимизни иқтисодий бўҳронлар даврида ижтимоий ҳимоялашнинг аниқ кафолатидир. Шунинг учун ҳам Президентимиз фармонларининг бажарилишига катта эътибор берилиб, улар ҳаётга тадбиқ этилмоқда.

Узбекистонда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳам айни пайтида қабул қилинди. Қонун халқ таълими тизимини мустақил жумҳуриятимиз манфаатлари йўлида қайта қуриш, такомиллаштириш ва ривожлантиришни тақозо этади. Табиийки, Қонун талабларини ҳаётга жорий этишда, уларни амалга оширишда олий ўқув юртларига алоҳида масъулият тушади. Чунки олий ўқув юртларида таълим тизимининг энг қуйидан то юқори босқичигача бўлган қисмларидаги барча фаолият қирралари билан яхши таниш бўлган мутахассислар, педагогика илмининг нозик сирларини чуқур тадқиқ этадиган олимлар айни шу ерда жамланган.

Гап таълим-тарбия борасида борғудек бўлса, жуда кўпчилик ўртоқлар «бугунги кун талаби» деган иборани қўллашни хуш кўрадилар. Биз бундай эскича ёндашувдан қутулмоғимиз лозим. Ахир фақат бугунги кунни ўйлаш, жамиятнинг эртаси ҳақида қайғурмаслик унинг келажагига бефарқлик билан тенг-ку.

— Мен фикрларимни Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти мисолида айтмоқчиман. Кейинги вақтларда бу ерда ўтказилаётган тадбирлар мустақил жумҳуриятимиз равнақи йўлида хизмат қилишга тўла йўналтирилганлигини таъкидлаш жоиз. Узбекистонда шахснинг ўз-ўзлигини англаш, миллий қадриятларни, қадимий урф-одатлар ва анъаналаримизни қайта тиклаш, уларни барқарорлаштириш, миллий мустақилликни мустаҳкамлаш жараёни кенг қанот ёймоқда. Институтимиз ҳам шу муҳим жараённинг фаол иштирокчисидир.

И. А. Каримовнинг «Узбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китоби ҳам шундай руҳ билан суғорилган. Республика ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари баён ва таҳлил этилган бу китобда мустақиллик сингари, муқаддас орзунинг ушалиши билан боғлиқ ҳолда ҳозирги Узбекистоннинг мақсад ва вазифалари, республика аҳолисини бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ҳимоялашнинг асосий йўналишлари кўрсатиб берилган. Рисола ҳозир олийгоҳимизнинг профессор ўқитувчилари ҳамда талабалари томонидан атрофлича ўрганиляпти. Ижтимоий, тарих ва бошқа кафедраларда китобдан кенг ва самарали фойдаланиш мақсадида алоҳида методик тавсияномалар ишлаб чиқилди. Институт етакчи профессор-ўқитувчилари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Табиийки, институтдаги асосий йўналиш талабаларга мустақил Узбекистон равнақига ҳисса қўшишга арзигулик замонавий билимларни беришдан иборат. Бизда ўн етти мингга яқин талабага уч бўлимда 1200 га яқин малакали профессор ва ўқитувчилар ўттиз мутахассислик бўйича сабоқ берадилар. Институтнинг асосий вазифаси жамиятимизга, мустақил Узбекистонимизга хос ва мос ўқитувчи шахсини шакллантиришдан иборат десам хато бўлмас. Жумҳуриятимизда олиб борилаётган ҳозирги сиёсатнинг марказида инсон туради. Бу айниқса педагогика институтлари учун ниҳоятда муҳимдир. Сабаби кадрларимиз мактабларга боради. У ерда ёш авлодга фақат билим асослари ўргатилмасдан, ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик бўлган ишлар ҳам амалга оширилади, мустақил Узбекистоннинг фуқароси тарбияланади. Буни тўла англаган ва чуқур ҳис қилган ҳолда институтимизда бутун ўқув-тарбия жараёни қайта кўриб чиқилди. Бунинг замирида мактаблар учун ҳар томонлама комил, етук ўқитувчи, тарбиячилар етиштириш масъулияти ётади. Зеро мустақиллик ва уни мустаҳкамлаш омиллари мактабдан бошланади десак хато қилмаймиз.



Эндиликда ўқув дастурларидаги ўзгаришларнинг бош сабаби ҳам аслида мустақиллик билан боғлиқ. Мутахассисликка бевосита алоқаси бўлмаган фанларни камайтириш ҳисобига мутахассисликка оид фанлар салмоғи ортяпти. Бу талабалар орасидаги билимдонлик, ижодкорликка омил бўлади. Албатта, талабага ким дарс бераётганлиги ва қандай савияда иш олиб борилаётганлиги иккинчи даражали масала эмас. Шунга кўра, профессор-ўқитувчиларимизнинг илмий-педагогик ҳамда услубий тайёргарлиги ҳам ҳар доим эътибордадир. Бунинг учун ўқитувчиларимизни аспирантура, докторантура, стажировка сингари юқори малакали мутахассислар тайёрлаш шакларидан унумли фойдаланилмоқда. Олий ўқув юртларидаги илм-фан ютуқларининг натижалари халқ хўжалигининг ривожланишига таъсир кўрсатиш билан чегараланмайди. У айни пайтда етук мутахассислар тайёрлашга ҳам ижобий таъсир этади, чунки, машғулотларда фаннинг энг янги, яхши ютуқлари ҳам ўз ифодасини топади. Устозлардаги бундай яхши ташаббус ва ибратнинг шогирдларга юқиши табиийдир.

ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК тайёргарлик даражасининг ортишига имкон берадиган яна бир омил бор. Бу саксондан ортиқ кафедралардаги илмий-назарий ва илмий-услубий семинарларнинг амал қилишидир. Уларда фан соҳаларининг энг долзарб муаммолари ҳамда ўқитиш, тарбия услубияти муҳокама этиляпти, янги ва ижобий тажрибалар умумлаштириляпти. Профессор-ўқитувчиларимиз республика ва республикадан ташқаридаги дорилфунунларда, институт ва илмий-тадқиқот марказларида малака оширишлари ҳам шу йўналишга бўйсундирилган. Институтимизда мураббийчилик ҳаракатининг ҳам яхши йўлга қўйилганлигини таъкидлаш жоиз. Устозларнинг маърузалари, очиқ дарслар, ўзаро дарсга киришлар бу ҳаракатга куч ва қанот бағишламоқда.

Шу ўринда бир мулоҳазани айтиш ўринлидир. Биз кўпинча талабаларга тайёр билимларни берамиз. Албатта, билим ҳам яхши, аммо яхшироқ билим олишга ўргатган янада яхшироқ. Очиқ эътироф этиш лозимки, талабалар орасида ижодкорлик, ташаббускорлик анча оқсайди. Уларни мустақил ишга ўргатиш учун кафедраларда махсус тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўқув режалари ва дастурларида мустақил ишларга махсус соатлар ажратилмоқда. Келажакда талабаларнинг аудитория машғулотларини камайтира бориб, ўқув дастурларидаги муайян соатларни мустақил ўрганишга ажратиш салмоғи ортмоғи лозим. Ана шу соатлар учун кафедралар махсус ўқув-услубий қўлланмалар яратади. Қўлланмалар ёрдами билан талабалар ўрганган мавзуларини муаллимга келиб топширадилар. Бу усулнинг муҳим жиҳати шундаки, ўқитувчининг ҳар бир талаба билан бевосита ишлаш эҳтиёжи ва имкони пайдо бўлади. Шуни ҳисобга олиб, институтда ўтказиладиган анъанавий илмий-услубий анжуманда мустақил ишларни ташкил қилишга оид махсус шўъба ташкил этилди. Маълумки, яхши ташаббусларни кўпайтириш унинг эгаларини рағбатлантириш билан боғлиқдир. Шунга кўра институтда «Энг яхши маърузачи» унвони жорий этилди. Талабалар орасидаги ташаббускорлик ва билимдонликни рағбатлантириш, учун ҳам «Энг яхши математик», «Энг яхши физик», «Энг яхши адабиётчи», «Энг яхши тарихчи» каби танловлар ташкил этилган.

Бўлажак ўқитувчи олган чуқур ва мустаҳкам билимни ўқувчиларга етказиб бера олиши ҳам керак. Шунинг учун ҳам уларни бевосита амалий педагогик фаолиятга тайёрлашда амалиётнинг роли беқиёсдир. Бизнинг шиорларимиз шундай: «Бўлажак ўқитувчининг бирор куни ҳам мактабсиз ўтмасин!». Эндиликда ҳар бир кафедра педагогик амалиётга фаол аралашмоқда. Уларнинг ҳар бири ўрта мактабларда ўз филиалларига эга. Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси билан келишувга биноан мактаблар ва олий ўқув юрти орасида ана шундай ҳамкорлик ўрнатилади. Мактаб билан алоқанинг яна бир қирраси шундаки, мактаб кафедра олиб бораётган илмий тадқиқотнинг тажриба базаси ҳисобланади. Ўрни келганда яна бир мулоҳазани айтиш жоиздир. Бизда анъанага кўра бир мунча педагогик синфлар мавжуд. Уларда муаллимлик касбига алоҳида қизиқиш билдирган ўқувчилар танлаб олинади. Педагогика институтларига киришда тест-синовлари жорий этилиши муносабати билан уларга берилган имтиёзлар ўз кучини йўқотди. Ҳар ҳолда ўқитувчилик касбига алоҳида меҳр қўйган махсус мактабларда ўқиган талабага муайян имтиёзлар бериш масаласини ўйлаб кўрилса фойдадан ҳоли бўлмасди.

Яна бир масала. Маълумки, касалхоналар айни пайтда шаҳар тиббиёт бош бошқармаси ва тиббиёт олийгоҳларига буйсунади. Бу малакали мутахассис тайёрлашда қанчалик муҳим эканлиги исботга муҳтож эмас. Назаримда, бу тажрибани мактаб, ҳунартехника билим юртлари ва олий педагогика институтларига нисбатан ҳам татбиқ этиш лозим. Ҳеч бўлмаганда уларнинг бир-иккитаси институтга, халқ таълими органларига бўйсуниб ишласа мақсадга мувофиқ бўлур эди. У ташкилотларнинг раҳбарлари бизнинг илмий кенгашимизга, бизнинг муаллимларимиз эса уларнинг педагогик кенгашларига аъзо бўлса, бу юқори малакали кадрлар тайёрлашда муҳим омил бўларди.

Бугунги кун талабасининг эртага ҳар томонлама етук ўқитувчи бўлишида унинг олий ўқув даргоҳида тўплаган билими, шаклланган дунёқарашининг ўрни ниҳоятда юксак. Аммо талабалар орасида китобхонлик даражасининг тушиб бораётганлиги ҳам аён ҳақиқат. Тўғри, жумҳуриятимиздаги мавжуд иқтисодий танглик туфайли китобларнинг баҳоси ҳам бир қадар кўтарилди. Аммо алоҳида таъкидлаш жоизки, олийгоҳ кутубхонасида талабаларнинг тегишли китобларни топиши ва ўқиши учун барча шароитлар муҳайё.

Институтимизда давлат тилини ҳаётга жорий этиш борасида жиддий тадбирлар белгиланган. Зеро, талабаларнинг она тилида оладиган билимлари айрича аҳамиятга эга. Шунга кўра ҳозир бизда махсус тил комиссияси тузилган. Комиссия ташаббуси билан ҳозир ҳамма факультет ва кафедраларда, институтнинг барча ўқув ва маъмурий биноларида, ётоқхоналарида қайта безаш ишлари охирига етмоқда. Давлат тили ҳақидаги Қонуннинг тўла бажарилишини таъминлаш мақсадида яқинда нофилологик факультетлар учун ўзбек тили ва адабиёти кафедрасини ташкил қилдик. Бу кафедра талабаларнинг умуммаданий ва маърифий савиялари юксалишида тегишли роль ўйнайди. «Тилларни ўрганамиз» деган деворий газетамиз ҳам мунтазам чиқиб турибди. Рус тилида сабоқ олувчи талабалар томонидан ўтказиладиган «Дўстлик кечаси»да рус забон талабалар ўз билим ва маҳоратларини ўзбек тилида намойиш этадилар. Рус гуруҳларида ўзбек тили ўқитиш кафедраси уюштирадиган бундай кечаларни бошқа олийгоҳларда ҳам ташкил этиш миллатлараро дўстлик туйғуларини шакллантириш ва тарбиялашда муҳим омил бўлишига шубҳа йўқ. Институтимизда ўзбек, қозоқ, қримтатар, рус ва корейс тилларида машғулотлар ўтилишини ҳам таъкидлаш керак.

Олийгоҳимизда айрим долзарб муаммолар бўйича махсус гуруҳлар ташкил этилган. Улар институтнинг ўқув жараёнига таъсир этибгина қолмай, ўқув гуруҳларида, талабаларнинг ётоқхоналарида мунтазам равишда чиқишлар қилишяпти. Савол-жавоб кечалари ўтказилмоқда. Шу йўналишдаги ишларимиздан яна бири куратор-мураббийларнинг доимий ўқиши ташкил этилганлиги билан боғлиқ. Бу айниқса, ёш куратор-мураббийларимизга жуда қўл келяпти.

Миллий кадрларнинг билим доираси, дунёқараши қизиқишлар оламини шакллантиришда, уларнинг умуминсоний савиясини оширишда миллий қадриятлар, қадимий урф-одатлар ва анъаналарнинг ўрни ниҳоятда беқиёс. Очиғини айтиш лозимки, ҳозиргача хатто педагогика институтларида ҳам миллий педагогика, халқ педагогикасига эътиборсизлик, унга нисбатан паст назар ҳукм суриб, келди. Ваҳолонки, худди шу нарсаларсиз, миллий мактаб, унинг равнақи, умуман келажаги ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Шуларни ҳисобга олиб институтимизда бир қанча ташаббуслар юзага чиқди. Ҳозир бир гуруҳ етакчи мутахассисларимиз, олимларимиз миллий халқ педагогикасини ҳам қамраб олган янги дарслик устида жиддий иш олиб бормоқдалар. Шу муаммони кўзда тутувчи доим амал қиладиган семинар ташкил этдик. Машғулотларимиз «Ҳадисларнинг маърифий-тарбиявий аҳамияти», «ХI аср мутафаккири Юсуф Хос Ҳожибнинг ахлоқий — таълимий қарашлари», «Беруний асарларида тарбия муаммолари» мавзуларига бағишланди. Бундай машғулотларга жумҳуриятимизнинг кўзга кўринган олимлари, Ўзбекистон Фанлар академиясининг етакчи мутахассисларини ҳам жалб этиш кўзда тутилган.

КЕЗИ келганда институтимизнинг турли мақсадларини кўзда тутувчи хилма-хил алоқаларига ҳам тўхтаб ўтиш жоиз кўринади. Биз Узбекистон Фанлар академияси билан ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатдик. Кўплаб иқтидорли олимлар, турли фан соҳаларининг забардаст фидокорлари билимга чанқоқ талабалар ҳузурида маъруза ва суҳбатлар билан чиқмоқдалар, аудиторияларда махсус курс, семинар машғулотлари ўтказмоқдалар.

Узбекистон Республикаси ҳукумати бошлаган ташаббус туфайли алоқаларимиз халқаро аҳамият касб этмоқда. Биз илк қадамларимизни Туркия олий ўқув юртларига жўнатдик. Айни чоғда илмий ҳамкорлик ҳам йўлга қўйилмоқда. Туркиянинг Истамбул, Анқара шаҳарларидаги дорилфунунларга дастлабки аспирантларимиз жўнаб кетишяпти. Режамизда қисқа ва узоқ муддатли стажировкаларда кадрлардан алмашиб фойдаланиш ҳам мавжуд. Бундай алоқалар Киев, Новосибирск, Москва, шунингдек, Хитой, Шимолий ва Жанубий Корея олимлари билан ўрнатилган.

Кейинги йилларда амалий машғулотларни ўтказишда ўқув хоналарининг етишмаслиги жиддий муаммомга айланган эди. Ҳозир институт бош биносининг асосий қисми қайта таъмирдан чиқди. Ёзги ва қишки емакхоналар лаззатли миллий таомлар пишириладиган қулай ошхоналар қурилди. Куллиётларда талабалар учун махсус озиқ-овқат, кийим-кечак ва китоб дўконлари ташкил этилди. Хумсондаги дам олиш зонамиз, олийгоҳдаги санаторий-профилакторийлар ҳам доимий хизматдадир.

Институтда бир неча махсус илмий Кенгашлар фаолият кўрсатиб келади. Психология, дефектология, информатика ва миллий мактаб муаммолари бўйича махсус лабораториялар ишлаяпти. Республика миқёсидаги мавқеига кўра институт, педагогика-психология фанлари маркази бўлиши керак. Бироқ бизнинг илмий соҳадаги барча ютуқларимизни ҳаётга жорий этишда айрим қийинчиликлар ҳам мавжуд. Бунинг учун моддий шароит яратилмоғи керак. Жумладан, институт қошида алоҳида босмахона бўлиши тобора катта заруратга айланмоқда.

Тарбиявий ишларни яхшилаш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида ҳам муайян тадбирлар амалга оширилмоқда. Мактаблар билан боғлиқ ҳолда янги «Одобнома» бўлимлари очилганини ҳам таъкидлаш керак. Кейинги уч йил давомида мунтазам равишда ўтказилаётган «Наврўз» байрами миллий анъаналаримиз ва унутилаётган қадриятларимизни тиклаш билан бирга, ҳақиқий дўстлик, байрамига ҳам айланиб кетяпти.

Ҳозир биз қутлуғ сана арафасида турибмиз. 1995 йилда институтимиз ташкил этилганига олтмиш йил тўлади. Ҳозиргача жумҳуриятимизга 150 мингдан ортиқроқ малакали кадрлар етказиб берилди. Биз ана шу қутлуғ санани спорт комплексига эга бўлган ҳолда кутиб оламиз, деган умиддамиз. Ҳозирча ҳаваскорларимиз, ишини жадаллаштириш учун махсус клубимиз ҳам йўқ. Институт аҳли ўз поликлиникасига эга бўлишни кўпдан бери орзу қилишади.

Ўқитувчиларнинг малакасини ошириш бўлими фаолияти ҳақида икки оғиз сўз. Ҳозиргача бўлган педагогика фани асосан Оврупо анъаналари ва қарашларини тарғиб қилиши маълум. Ваҳолонки, гап миллий мактаб ҳақида борар экан, шакл эмас, мазмун борасида бош қотирмоғи керак. Умуман, педагогика ҳамда бевосита мактаб билан даҳлдор бўлган дарсларга педагогика йўналишидаги олий ўқув юртларида катта ўрин ажратилмоғи керак. Афсуски, ҳозиргача амал қилаётган ўқув режаларида алоҳида фанларни ўқитишдаги меъёр масаласи илмий асосларда ишлаб чиқилган эмас. Ҳар бир фаннинг ўқитилишига ажратилган соатлар миқдори педагогик ҳамда психологик жиҳатдан асослаб берилмаган. Ваҳолонки, ҳозирги даврнинг талаби фаннинг энг сўнгги ютуқлари асосида мутахассисликка алоқадор ва алоқаси бўлмаган фанлар орасида тегишли чегара ўрнатилишини тақозо этмоқда.

Талаба учун олий ўқув юртларининг остонаси кириш имтиҳонлари билан бошланади. Бу йил бизда анъанавий имтиҳонлар билан бирга, тест асосидаги синовлар жорий этилди. Бу усул ўзининг афзалликларига эга эканлигини кўрсатди. У социал адолатни тўла таъминлашга омил бўлади. Боланинг маънавий-руҳий эзилишига, қийналишига ўрин қолмайди. Чунки, энди ундан имтиҳон олинаётгани йўқ, балки бола ўзини синайди, холос. Тестнинг яна бир афзал томони бор. Илгари, дейлик учта имтиҳоннинг биринчи ёки иккинчисидан «икки олган» абитуриентлар кейинги имтиҳонларга кириш ҳуқуқидан маҳрум бўларди. Бу ерда эса уч блокдаги фанларнинг барчасига жавоб бериш имконияти берилади. Демак, иқтидорли ёш фақат битта фанни сустроқ билгани учунгина олийгоҳга киролмай қолиш хавфидан қутулади. Қоларверса, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида унинг яна бир устунли — тест усулида имтиҳонлар бир кунда топширилади. Тест билан боғлиқ барча муаммолар ҳозир олийгоҳда ҳам, тегишли жойларда ҳам ўрганиляпти. Таклиф тариқасида айтиш керакки, тест синовларини кенгроқ жорий этиш лозим. Бунинг учун шу ўқув йилидаёқ тест билан кирган талабалар учун ярим йиллик тест синовларини жорий этиш керак. Айни пайтда ўрта умумтаълим мактабларида ҳам шу усул жорий этилмоғи жоиз. Шунда бўлажак талаба тест синовларига психологик жиҳатдан ҳам тўла тайёр ҳолда келади.

Инсоннинг кучи — тарбияда, деган нақл бор. Шунга амал қилиб, биз ўз кучимизни мустақил Узбекистоннинг бўлғуси мутахассислари янада кучлироқ бўлишлари учун жон қуйдираверамиз.

Комил ЮСУПОВ,
Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти ректори, профессор.

БУХОРО ВИЛОЯТИ. Ғиждувон районидаги «Ҳаёт» фирмасида касаначиликка алоҳида эътибор берилаётир. Бу ердаги 800 нафар ишчининг ярмидан кўпроғи ўз хонадонларида шартнома асосида меҳнат қиляпти. Бугунга келиб касаначилар истеъмолчиларга тикув, атторлик ва қандолат маҳсулотлари етказиб бермоқда. Фирмада сопол буюмлар тайёрлаш цехи ҳам ишлаб турибди. Цехда ҳозир ўттиздан ортиқ турдаги маҳсулот тайёрланяпти.

Суратда: фирма ишчиси Нигора Раҳимова янги маҳсулотларни намойиш этмоқда.

Ш. ШАРОПОВ олган сурат.

ДУНЁ ОВОЗИ

● **Миср маҳаллий бошқарув вазири Сайид Аҳмад Шариф мухбирларни таништирган якуний маълумотларга қараганда, ўтган ҳафта душанба кун содир бўлган зилзила оқибатида 552 одам ўлган. 10.000 киши қаттиқ жароҳатланган. Мамлакатда 3.000 оила бошпанасиз қолган.**

● **Ироқ билан Қувайт чегарасида илк чегара устунлари ўрнатиладиган бўлди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қароргоҳида матбуот учун тарқатилган расмий маълумотномада бу янгилик эълон қилинди.**

● **15 ёшдан 19 ёшгача бўлган коста-рикалик йигит-қизлар гиёҳвандлик дардига чалинган. Савол-жавобга таклиф этилган талабаларнинг 67 фоизи мунтазам кокаин ва марихуан истеъмол қилишини билдирган. Бу ташвишли далиллар мамлакат пойтахти — Сан-хоседа гиёҳвандлик ва ичкиликбозлик муаммолари институтининг янги текширишлари натижаларига асосланиб эълон қилинди.**

● **Американинг «Ксерокс» компанияси мутахассислари кўзи ожизларга мўлжалланган мўъжазгина сўзловчи ускуна муқобилини яратдилар. Бу қурилма китобнинг хоҳлаган саҳифасини ўқий олади ва таҳлил қилиб муқобил товушда кўзи ожизларга ўқиб беради. Чоғроқ жомадонча келадиган ушбу қурилманинг оғирлиги тўққиз килограмм бўлиб, ҳар биттаси 5495 доллардан сотилади.**

● **Сўнгги маълумотларга қараганда, Польшада жиноятчиликнинг кўпайиб бориши анъанаси сақланмоқда. Айниқса, хўжалик-молиявий қонунбузарлик ҳоллари кўплаб учрамоқда. Польша ахборот маҳкамаларининг хабар беришича, шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида ҳуқуқни ҳимоя қилиш маҳкамалари 78.744 марта айни жиноят тури содир бўлганини қайд этганлар. Бу йил ўтган йилга нисбатан 20-000 молиявий жиноят кўпайгани аниқланди.**

● **Америка Қўшма Штатлари олий ўқув юртларида таълим олаётган хитойлик талабаларнинг ўз мамлакатига нисбатан ишончи қолмаган, мабодо Америкада қолиш имконияти топилса, Хитойга қайтиб боришмайди. Кўпчилик талабаларни улар ватанга қайтгач, Хитой ҳукуматининг ёшларни сиёсий қарашлари учун тақиб этиши чўчитмоқда.**

● **Тожикистон Республикаси Бош вазирининг муовини Ҳабибуллоҳ Саидмурудов сешанба куни Теҳронга келди. Эрон радиоси мухбири билан суҳбат чоғида вазир ташрифдан кўзлаган бош мақсад Тожикистон билан Эрон ўртасида дипломатия алоқалари ўрнатиш ва давлатлараро иқтисодий, маданий ҳамкорликни йўлга қўйишдир, деб айтди. Тожикистондаги аҳвол тўғрисида сўзларкан, Ҳ. Саидмуродов республика раҳбарияти мамлакатнинг ички низоларини тугатишга қодирдир, деди. Бош вазир ўринбосари ҳамда Тожикистон матбуот ва ахборот вазири Б. Маҳмудов Эрон маданият ва исломий анъаналар вазири Али Лурийжоний билан учрашдилар.**

● **Саудия Арабистонининг подшоси Фаҳд Ибн Абдул Азиз Ас-Сауд бу мамлакатга уч кунлик ташриф буюрган Қирғизистон Республикасининг Президенти Асқар Акаевни олий даражали меҳмонларни қабул қилишга мўлжалланган «Ал-Ҳамро» саройида қабул қилди.**

Асқар Акаев Жиддада Саудия Арабистонида яшовчи туркистонлик қирғиз миллатининг вакиллари билан ҳам учрашди, деб хабар беради Франс Пресс ахборот маҳкамаси.

● **«Экономик таймс» рўзномасининг ёзишича, Ҳиндистон Республикаси мудофаа вазири Шарад Павар Киевга ташриф буюрган чоғида мамлакатнинг Украинада қурилаётган учоқбар кема [авианосец]ларни сотиб олиш истаги борлигини маълум қилган.**

● **Собиқ Германия демократик Республикаси раҳбари Эрих Хониккер рак дардига мубтало бўлишига қарамай, қонун олдида жавоб беришга мажбурдир. Берлин маҳаллий суд палатаси 12 ноябрдан эътиборан суд ишини давом эттиришга қарор қилди.**

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА

К. ЮСУПОВ Ўрта Осиё Давлат университетини муваффақиятли тамомлаб, муаллимлик қилди, комсомол ҳамда илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланди. Кўп йиллар мобайнида Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтида кафедра мудири, 1988 йилда шу институт ректори бўлиб сайланди, кейинроқ республика халқ таълими вазири, партия Марказий Комитетининг котиби бўлди. Ҳозир яна шу институтнинг ректори. Бир юз элликдан зиёд илмий иш, шу жумладан монография, дарслик, рисолалар муаллифидир. Илмий-педагогик кадрлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшиб келяпти. «Узбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими».

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси— умумхалқ муҳокамасида

ИСТИҚЛОЛИМИЗ ҚОМУСИ

Узбекистон Халқ демократик партияси Андижон вилоят Кенгаши Конституция лойиҳасини омма ўртасида тушунтириш ва тарғиб этиш борасида қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Республика Президенти И. А. Каримовнинг «Узбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китоби ва Конституция лойиҳасини тарғиб этиш бўйича вилоят ҳокимияти, вилоят фахрийлар Кенгаши ҳамда ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими билан биргаликда алоҳида гуруҳ ташкил этилди.

Улар вилоят шаҳар ва районларида суҳбатлар ўтказидилар. Учрашувларда шу нарса маълум бўлдики, ҳозир иқтисодий қийин шароит бўлишига қарамай халқимиз мазмунли суҳбатга, ширин сўзга ва амалий мулоқотга чанқоқ. Айниқса, сиёсий мулоқот уларни бугунги кунда кўпроқ қизиқтирмоқда. Узбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси муҳокамаси шу туфайли ҳам меҳнат аҳлида қониқиш туйғусини уйғотмоқда.

Конституция ўз моҳиятэътибори билан ўша жамиятнинг асосий Қонуни ҳисобланади. Шундай экан, унинг моддалари и мий асосланган, жамият манфаатлари нуқтаи назари ан келиб чиққан бўлиши к рак. Шу боис вилоятимиз ХДП аъзолари лойиҳанинг боблари, моддалари ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини, таклифларни билдирмоқдалар. Вилоят партия кенгашига дастлабки кунларданоқ ўнлаб таклиф ва мулоҳазалар келиб тушди. Биз уларни умумлаштириб, жамлаб Марказий Кенгаш ва Конституция комиссияси эътиборига ҳавола этмоқдамиз.

Вилоят партия кенгаши Узбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасини бошланғич партия ташкилотлари йиғилишларида, шаҳар, район партия кенгашлари пленумларида муҳокама этиш юзасидан иш режасини белгилади. Бу йиғилишлар ва пленумлар лойиҳани муҳокама этишда ўзига хос кўрик бўлиб, партия аъзоларининг муҳим ҳужжат муҳокамасида фаол иштирокини таъминлайди.

Конституция лойиҳасининг 39-моддасида «Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга» деб ёзиб қўйилган. Лекин бунда тиббий хизмат қай йўсинда кўрсатилиши аниқ айтилмаган. Мен бу моддага аниқлик киритиш тарафдориман. Яна 40-модда қуйидагича талқин этилишини таклиф қиламан: **«Узбекистон фуқароси билим олиш ҳуқуқига эга. Ўрта умумий таълим мажбурийдир. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир».** Шунда биз республикамизда рўй бериши мумкин бўлган саводсизликнинг оқибатини олган бўламиз.

Лойиҳанинг 90-моддаси партиядошларимиз орасида қизғин баҳс ва мунозараларга сабаб бўлмоқда. Биз бу ўринда Узбекистон ХДП Марказий Кенгашининг бўлим мудири, фалсафа фанлари доктори А. Жалоловнинг «Узбекистон овози» рўзномасининг шу йил 1 октябрь сонида эълон қилинган «Миллий истиқлол ва инсоний истиқбол Қонуни» мақоласида билдирилган таклифларни тўла қўллаб-қувватлаймиз. **Зотан Президент ўз партияси томонидан сайловда номзоди кўрсатилиб, умумхалқ хоҳиши билан сайланган экан, сайловдан сўнг нега партияга аъзолигини тўхтатиб туриши керак?** Бундай усул ҳеч қайси демократик жамиятга тўғри келмайдиган ҳолатдир. Агар Президент ўз номзодини кўрсатган партия билан алоқани узган тақдирда партия унга ишончсизлик билдириб, уни чақириб олиш, ва ўрнига бошқа номзодни кўрсатиш ҳуқуқи демократик жамиятда борлигини Конституциявий комиссия аъзолари ёддан чиқариб қўйишганга ўхшайди.

Лойиҳада бундан бошқа эътирозли фикрлар ҳам кўп. Чунончи, 92-модданинг 12-қисмини, 101-модданинг 2-бандини, 3-сўзбошисини ўзгартириш керак. Чунки бу билан биз ҳозирги даврни ўйлаб эмас, балки узоқ келажак авлодни ўйлаб иш қилган бўламиз. **Аслида ҳокимлар тайинланмайди, балки сайланади. 11-модда эса сайлов йўли билан вилоят, шаҳар, туман судларининг сайланиши амалга оширилиши лозим, деб белгилаб қўйилиши зарур.**

53-модданинг «Узбекистон Республикасида Қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, ёшлар ташкилотлари, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади» деган жумласидан сўнг **«Сайловда ғалаба қилган партия етакчи партия ҳисобланади»,** деб қўшиб қўйилиши керак. 55-модданинг иккинчи сўзбошиси чиқариб ташланиши лозим.

Умуман олганда, мустақил Узбекистонимизнинг ўз миллий Конституцияси лойиҳасининг эълон қилиниши ва унинг умумхалқ муҳокамасига қўйилиши ҳаётимиздаги муҳим сиёсий воқеадир. Халқимиз азалий орзу қилган миллий истиқлолимиз қарор топаётганлиги инсоний истиқболимиз сари дадил қадам қўйилаётганидан далолатдир. Лекин шундай ёрқин йўл бўсағасида ҳар бир қадамни етти ўлчаб, бир кесиб қўйсак келгуси авлодларимиз бахт-истиқболига мустаҳкам замин яратган бўламиз.

Шубҳасиз, вилоят партия ташкилотлари Узбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси муҳокамасида фаол қатнашдилар ва ўзларининг таклиф ҳамда мулоҳазалари билан уни янада мукаммал бўлишига ҳисса қўшадилар.

Нўъмонжон ШОКИРОВ,
Узбекистон ХДП Андижон вилояти кенгашининг биринчи котиби.

ЕНГИЛ САНОАТ: ШАРОФ РАШИДОВ ФОНДИГА 10 МИЛЛИОН СЎМ

Ўзбекистон халқи ўзининг асл фарзанди, атоқли давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигини кенг миқёсда нишонлаш учун муносиб тайёргарлик кўрмоқда. Ўзбекистон Енгил саноат товарлари ишлаб чиқариш корхоналари ассоциацияси ушбу фондга дастлабки 1 миллион сўм пул ўтказган эди. Шундан кейин бу хайрли ишни янада салмоқли қилиб давом эттириш мақсадида ассоциацияга қарашли барча корхоналар ва муассасалар жамоалари ўртасида қизғин ҳаракат бошланиб кетди. Кўпчилик бу фондга муносиб ҳисса қўшишга аҳд қилмоқда.

Шу муносабат билан «Ўзбекистон овози» газетасининг махсус мухбири Ўзбекистон Енгил саноат моллари ишлаб чиқариш корхоналари ассоциацияси бошқарувининг раиси Ў. Қ. ИСМОИЛОВ билан суҳбатлашди.

АСЛ ФАРЗАНД ҲУРМАТИ ЧЕКСИЗДИР

— Ҳурматли Ўктам Қўчқорович, ҳозирги пайтда иқтисодий қийинчиликлар борлиги ҳаммамизга яхши маълум. Аммо шунга қарамай ишчи ва хизматчилар таҳсинга лойиқ саҳоват кўрсатишганлиги кишининг диққатини жалб этади. Бу хайрли ишнинг аввало маънавий ва иқтисодий омиллари нималардан иборат эканлиги ҳақида гаплашсак.

— Шароф Рашидов халқимизнинг ардоқли отаси ва улуғ раҳбари эди. Унинг Ўзбекистон тараққиётига сингган меҳнатининг саноғига етиб бўлмайди. Иқтисодий соҳаларга кўрсатган ғамхўрлигини бирма-бир айтиш мумкиндир, лекин маънавият соҳасида қилган хизматларини биронта электрон тарозиси ўлчай ололмайди.

— Сиз шахсан Шароф Рашидов билан кўришганмисиз? Агар шундай бўлса, ўша қувончли дамларингиздан ҳикоя қилиб берсангиз.

— Мен Ўзбекистон Сув хўжалиги вазирлигига қарашли экскаватор-ремонти заводининг директори бўлиб ишлар эдим. 1983 йилнинг январь ойларида Марказқўмга суҳбатга таклиф этишди. Мени Тошкентдаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводига директорлик лавозимига тайинлашни лозим кўришган экан. Хонада республиканинг жуда кўп раҳбарлари ўтиришган эди. Учрашув охирида Шароф Рашидов янги корхонага ишга юборилаётганлигим билан табрикладилар ва шу билан бирга жуда ҳам ҳикматли ўгитларни айтдилар. У киши, сиз аввалги ишлаган корхонангизда биринчи навбатда ишчиларнинг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида ёрдамчи хўжаликлар ташкил этган экансиз, янги иш жойингизда ҳам худди шундай қиласиз. Фақат ишчиларнинг турмуши ва рўзғори учун қўлингиздан келганича қатор қулайликлар яратасиз. Ана шунда ишингиз юришади. Кейинчалик билсам бу гапнинг тагида жуда ҳам катта маъно ва мазмун бор экан. У кишининг йўлланмасидан илҳомланиб янги жойда иш бошладим. Машинасозларга жуда кўп қулайликлар яратдик. Шундан кейин ишлаб чиқариш ривожлана бошлади.

— Шароф Рашидовнинг инсоний фазилатларидан қай бири сизнинг хотирангизда яхши сақланиб қолган?

— Ҳаётда мамлакат раҳбаридан жуда катта одоб, буюк инсоний фазилат ва юксак маданият ўз-ўзидан талаб этилар экан. Шароф Рашидов йиғинларда рус тилида неча дақиқа равон нутқ сўзласалар, кейин ўша нутқни соф ўзбек тилида грамматика қоидаларига тўла риоя этган ҳолда жўшқинлик билан гапирар эдилар. У киши заводлар, корхоналар, қурилиш майдонларига тез-тез бориб турар, технология жараёнларини синчиклаб кузатар, янгиларини кўрсалар янада мамнун бўлар, умуман ишлаб чиқариш тараққиёти ҳақида кўп ғамхўрлик қилар эдилар.

— Шароф Рашидов фондига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган корхоналарнинг номларини айтиб берсангиз?

— Бизнинг ассоциациямиз 1 миллион сўм пул ўтказган бўлса, ундан кейин бу хайрли ишнинг сафига жуда кўп корхоналар қўшилди. Дастлабки маълумотларга қараганда, Тошкент тўқимачилик, «Юлдуз», «Малика» бирлашмалари, Охунбобоев номли бош кийимлар фабрикаси, Наманган ва Самарқанд шойи ишлаб чиқариш бирлашмалари, Марғилон «Атлас» бирлашмаси, Тошкент, Самарқанд ва Қувасой чинни корхоналари, Хива гиламдўзлик комбинати сингари корхоналар бор. Уларнинг ҳар бири 10 минг сўмдан 200 минг сўмгача пул ўтказишди. Бундай саҳоват кўрсатган корхоналар яқин кунларда янада кўпайиши кутилмоқда.

— Демак, енгил саноат корхоналарининг меҳнат жамоалари ҳиммати баланд экан, улар иқтисодий қийинчиликларни енгиб яхши меҳнат қилишаётганлиги ўз-ўзидан кўриниб турибди. Бундай ютуқларнинг сабаби нималарда бўлиши мумкин?

— Бизнинг ассоциация тузилаётганда биринчи навбатда кўпгина корхоналарнинг раҳбарлари ва мутахассисларини ёшлар, ҳозирги замон саноати ва иқтисодиёти билимлари билан қуролланган кишилар ҳисобига алмаштирдик. Умумий ҳисобда корхоналар раҳбарларининг бешдан тўрт қисми янгиланди. Иккинчидан эскириб қолган технологияни тубдан ўзгартиришга катта куч ташланди. Ҳозирги пайтда 300 мингдан зиёд киши меҳнат қилаётган бизнинг енгил саноат соҳамизда ўсиш ой сайин яққол сезилмоқда. Шу йилнинг тўққиз ойлик маълумотларига назар ташласак, қувонарли рақамларни кўрамиз. Ўтган давр ичида 4 миллиард 181 миллион сўмлик ўрнига 6 миллиард 100 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Демак, қўшимча 2 миллиард сўмлик атрофида маҳсулот тайёрланди. Бу рақамни ўтган йилнинг шу давридаги маълумотларга чоғиштирсак, ўсиш 10 фоиз бўлаётганлигини кўрамиз. Ишчи ва хизматчиларимизнинг моддий манфаатдорлиги биринчи ўринда турибди. Ҳозир Ўзбекистон енгил саноатида энг кам маош 4 минг сўм. Тошкент тўқимачилик комбинатида малакали, илғор ишчи 25 минг сўмгача маош олмоқда. Ўз-ўзидан кўринадики, моддий манфаатдорлик бор жойда. ишлаб чиқариш тез ривожланади. Ҳали олдинда амалга оширилиши лозим бўлган катта режаларимиз бор. Улар ҳозирда пишиқтирилмоқда, жаҳондаги бир қатор донғи кетган фирмалар билан ҳамкорлик қилиш ишлари бошланди ва йўлга қўйилмоқда. Келгусида Ўзбекистон аҳолиси кенг истеъмол моллари билан мўлкўл таъминланади ва мустақил Ўзбекистон ўзининг сифатли маҳсулотларини жаҳон бозорига чиқаришга қодир бўлади.

— Енгил саноат корхоналарининг барча ишчи ва хизматчиларига «Ўзбекистон овози» газетасининг энг яхши тилакларини йўллаймиз.

— Раҳмат.

Шароф Рашидов фондига ассоциация ва унинг корхоналари ўтказган пул маблағлари: ассоциация 1 миллион сўм, Тошкент тўқимачилик бирлашмаси 100 минг сўм, Тошкент кўн-мўйна бирлашмаси — 100 минг сўм, Хива гиламдўзлик бирлашмаси — 50 минг сўм, «Юлдуз» тикув бирлашмаси 50 минг сўм, Охунбобоев номидаги бош кийимлар бирлашмаси — 200 минг сўм, Жиззах трикотаж бирлашмаси — 50 минг, Қарши тикув бирлашмаси — 50 минг, Қўқон чарм ишлаб чиқариш бирлашмаси — 50 минг, Ўзбекистон сунъий чарм бирлашмаси 20 минг, Самарқанд тери заводи 25 минг, Қўқон пойабзал фабрикаси 20 минг, Фарғона пойабзал фабрикаси 30 минг, Тошкент пойабзал корхонаси 25 минг, Чирчиқ пойабзал фабрикаси 10 минг, Фарғона сунъий чарм бирлашмаси — 10 минг сўм. Жами 1 миллион 810 минг сўм пул ўтказилди. Хайрли ҳаракат давом этмоқда.

Абдулла ПЎЛАТОВ, «Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

ҲУКУМАТ ҚОНУН ИЖРОСИ БИЛАН БЕВОСИТА ШУҒУЛЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

масалалар билан шуғулланувчи кичик гуруҳлар тузилди. Комиссия муҳокамасига қўйиладиган масалалар олдин ўша кичик гуруҳларда муҳокама қилинади, кейин комиссия муҳокамасига тақдим этилади.

1992 йилдаги комиссия мажлисларида алоқа ва Адлия вазирликларида, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясида, Фарғона шаҳри ва Қува районида, Ўзбекистон матлубот жамиятлари уюшмаси — Ўзбекбирлашувда давлат тили ҳақидаги қонуннинг бажарилиш кўриб чиқилди.

Муҳокамадан маълум бўлдики, жойларда давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш соҳасида яхши ишлар қилинмоқда. Бироқ ҳали анчагина муаммолар борлиги ҳам аниқланди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясидаги бу соҳадаги камчиликлар айниқса қаттиқ танқид қилинган эди. Мазкур идора раҳбарлари танқиддан тўғри хулоса чиқариб ҳозир аҳволни ўнгламоқдалар.

Давлат тили ҳақидаги қонунни ҳаётга татбиқ этиш бўйича амалга оширилаётган ишларимизнинг айрим соҳаларида сусткашликка, аниқроғи, бефахмликка йўл қўйилаётгани ҳам кўзга ташланиб қолмоқда. Хусусан, давлат тилини билмайдиган республика фуқароларини ўз хизмат вазифаларини бажариш учун зарур даражада ўзбек тилига ўргатишда жойларда назоратнинг пастлиги туфайли сезиларли самарага эришиш қийин бўляпти. Бу масала комиссиянинг навбатдаги мажлисида атрофлича таҳлил этилиши режалаштирилган.

Комиссиянинг бир мажлисида қонуннинг умуман республикамизда бажарилиш аҳволи муҳокама этилди. Унда барча вилоятлардан вакиллар — тил комиссиялари раҳбарлари иштирот этдилар.

Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш бўйича комиссияси аъзолари вилоятларга бириктирилганлар. Улар вақти-вақти билан жойларда бўлиб, тил ҳақидаги қонуннинг бажарилиши билан бевосита танишиб, комиссияга масала киритадилар.

Комиссия мажлисларида атамашунослик топонимия масалалари ҳам муҳокама этилмоқда. Атамашунослик комитети тавсия этган атамалар тасдиқдан ўтмоқда.

Мухбир — ҳозир ҳаммамизга аён: иқтисодий жиҳатдан қийин бир вазият. Ана шундай шароитда республикамиз ҳукумати, айниқса Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида давлат тили ҳақидаги қонунни амалга оширишда кўп ишлар қилиняпти. Ўзбек тилининг равнақига ҳеч қачон ҳозиргидек ғамхўрлик бўлмаган.

Жавоб — Иқтисодий қийинчиликлар-ку бор гап. Лекин барибир қонунларимизни ижро этишни орқага суриб қўйишимиз тўғри бўлмайди. Президентимиз И. Каримов Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш учун барча имкониятларни яратиб бермоқда. Президентимизнинг Мустақиллик майдони тўғрисидаги фармони ҳам бевосита давлат тили ҳақидаги қонунга алоқадор. Ҳозир бу фармон район ва вилоятлар, шаҳарларда янги ном қўйишда дастуриламал бўлмоқда.

Мухбир — Навбатдаги саволим анча баҳс ва тортишувларга сабаб бўлаётган мавзуга даҳлдор. Ёзувимиз қайси графикага асосланиши керак?

Жавоб — Ҳақиқатан ҳам бу масала мураккаб. Республикамизда бир гуруҳ мутахассислар араб алифбосига, бир гуруҳ олимлар эса лотин алифбосига ўтиш керак демоқдалар. Учинчи тоифа одамларнинг фикрича, кириллица қолавериши лозим.

Ҳозир мазкур масала хусусида Олий Кенгаш ҳузурида тузилган ўзбек имлоси масалалари бўйича комиссия иш олиб бормоқда.

— Абдулҳошим Муталович, қонунни кўздан кечирадиган бўлсак, унинг қатор моддаларини жамият турмушининг ҳамма томонларига босқичма-босқич жорий этиш мақсадида муддатлар белгиланган. Масалан, 4, 7, ва 8-моддалар саккиз йилда ижро этилади деб белгиланган. 5, 24-моддаларни амалга ошириш муддати эса тугади.

Авваломбор Давлат тили ҳақидаги қонуннинг ўзи тўғрисида. Маълумки, қонун совет тузуми даврида қабул қилинган. Эндиликда биз мустақил давлатмиз. Шуларни ва матбуотда айтилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олиб, Давлат тили ҳақидаги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кераклигини комиссияда муҳокама этганмиз. Комиссия аъзоларидан ишчи гуруҳи тузилган. Ҳозир шу ишчи гуруҳи Олий Кенгаш комитети билан ҳамкорликда қонунга киритиладиган ўзгартишлар ва қўшимчалар лойиҳасини тайёрлаган. Биз уни комиссияда муҳокама қилиб, Олий Кенгашга тақдим этамиз.

Сиз айтган мулоҳазалар ўша лойиҳада ҳисобга олинган деб ўйлайман.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги республика атамашунослик комитети қисқа муддатда катта ишларни амалга оширди. Илмий-оммабоп адабиётларда, дарсликларда, айниқса оммавий ахборот воситаларида атамаларни қўллашда бошбошдоқлик авжига чиққан эди. Ушбу комитетнинг меҳнати туфайли бунга анча чек қўйилди...

— Атамашунослик комитети вазифаларидан бири — атамаларни тартибга солишдан иборат. Дастлабки пайтларда ана шу идора бу ишларни эплай олмади. Оқибатда ҳар хилликлар, чалкашликлар рўй берди, тушунилиши қийин сўзлар ҳам атама сифатида тақдим этилди.

Комитет фаолияти кейинги вақтда анча яхшиланди, атама танлашнинг илмий принциплари ишлаб чиқилди. Ўзгартирилиши лозим деб топилган атамалар хусусида зиёлилар билан маслаҳатлашилди. «Ўзбекистон овози» газетасининг тўрт сонида «Қайси бири маъқул?» деган сарлавҳа билан комитет тавсиялари эълон қилинди. Анчагина таклифлар тушди. Ана шу асосда тавсиялар тайёрланди. Биз комиссия мажлисида буларни муҳокама қилиб, тасдиқдан ўтказмоқдамиз. Комитет луғатлар тузиш, уларни муҳокама қилишни ҳам йўлга қўйди. Ҳозир кичик ҳажмли луғатлар тузилмоқда.

Давлат тилидаги қонун ижроси республикамизнинг барча вилоятларида бир текисда боряпти деб бўлмайди...

Тўғри, баъзи мисолларни айтиб ўтай. Масалан, Адлия вазирлиги ўтган йилиёқ давлат тилида иш юрита бошлаган эди. Лекин айрим ташкилотлар, масалан, Фанлар академиясидаги кўплаб институтлар давлат тилига ўтмагани ҳақида газеталарда ёзилди. Бу жуда ажабланарли ҳол. Бундай мисоллар, афсуски, оз эмас.

Ҳозир республикамизда Ўзбекистон Конституцияси лойиҳаси қизғин муҳокама қилинмоқда. Ушбу лойиҳанинг 4-моддасида шундай дейилади: «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир». Конституция лойиҳасидаги ушбу модда ҳақида мулоҳазангизни айтсангиз.

Давлат тили ҳақидаги модда Конституцияга кириши керак. Лекин бу шу ҳақда алоҳида қонун бўлишини истисно этмайди. деб ўйлайман. Чунки алоҳида қонунда унинг ўзига хос томонлари, мураккабликлари акс этади. Бунинг устига бизнинг шароитда бу ишни босқичма-босқич олиб боришга зарурат бор.

Сермазмун суҳбатингиз учун раҳмат.

(ЎзА).

• Редакцияга хат

ЯХШИ НИЯТ

Атоқли давлат ва жамоат арбоби, таниқли ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигини ўтказиш ташкилий қўмитаси раиси И. Ҳ. ЖУРАБЕКОВга

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек райони ҳокими Ш. М. МИРЗИЁЕВга.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик байрами бизнинг Мирзо Улуғбек районидаги 64-мактабда ҳам бўлиб ўтганди. Марказ—1 мавзесида яшовчи маҳаллалар фуқаролари, уруш ва меҳнат фахрийлари, адабиёт ва санъат намояндалари, Ўзбекистон халқ депутатлари иштирок этган бу тантанада жамоатчилик вакиллари ҳурматли Президентимиз Ислом Каримов томонидан олиб борилаётган одилона ва оқилона сиёсатни, Ўзбекистон халқлари фаровонлиги ва осойишталигини таъминлаш борасида кўрсатилаётган ғамхўрлик ва меҳрибонликни якдиллик билан маъқулладилар.

Ўз навбатида, жамоатчилик вакиллари ўзбек халқи тарихида, унинг ҳаётида Шароф Рашидовнинг тутган ўрнини ҳам таъкидлаб бу мўътабар инсоннинг халқ маорифи равнақи йўлида қилган улуғвор хизматларини самимий эсладилар. Хусусан, 64-мактабнинг қурилиши, унинг очилиши, биринчи қўнғироқнинг чалиниши ҳам бевосита қадрли Шароф Рашидовнинг муборак номлари билан боғлиқлигини қайд қилиб ўтдилар. Шунинг учун ҳам тантанали байрам йиғилиши қатнашчилари ушбу мактабни Шароф Рашидов номи билан аташга қарор қилдилар.

Биз, жамоатчилик вакиллари Шароф Рашидов туғилган куннинг 75 йиллигини ўтказиш ташкилий қўмитасидан, Мирзо Улуғбек райони ҳокимиятидан 64-ўрта мактабни Шароф Рашидов номи билан аталишига изоҳат берилишини сўраймиз. Бу таклифни қўллаб-қувватлаш эса буюк зот — Шароф Рашидовнинг пок руҳини шод этиш, улуғ инсон олдидаги ўз инсоний бурчимизни ўташ демакдир.

Мирзо Улуғбек райони жамоалари вакиллари номидан Аъзам ХУЖАЕВ, уруш ва меҳнат фахрийлари Тошкент шаҳар кенгаши аъзоси, Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир, Абдусаид КУЧИМОВ, Ўзбекистон халқ депутати, ёзувчи, Учқун Сонпов. «Наврўз» маҳалла қўмитасининг раиси, Михаил РОБИНОВИЧ, Мирзо Улуғбек райони халқ таълими бўлимининг мудири, Собиржон МИРЗАБОЕВ, «Оқибат» маҳалласи қўмитасининг раиси, Мамадали МАҲМУДОВ, Ўзбекистон республикаси маданият жамғармаси бошқарувининг раиси, ёзувчи, Шарифахон ХУЖАЕВА, 64-ўрта мактаб директори.

ҲОКИМ МИННАТДОРЧИЛИК БИЛДИРАДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ижтимоий-сиёсий рўзномасининг 1992 йил 7 август сонидаги «Қирқ бирига чидамаган», 13 августдаги «Чигал калава». 19 августдаги «Зор қақшаган йўловчилар» ва 25 августдаги «Қўйлар нега қувғинда» сарлавҳали танқидий чиқишларида вилоятда ҳукм сураётган жиддий хато-камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар кўтарилган. Вилоят ҳокимияти мазкур масалаларни ўз вақтида илғаб, уларни бартараф этишга чорлангани учун газета таҳририяти ва журналистларга миннатдорчилигини билдиради

Шуни қайд этиш керакки, вилоят қайта тикланганидан буён ўтган қисқа вақт ичида ҳокимият бошқа масалалар қатори газета чиқишларида тилга олинган муаммоларни ҳам қатъий назорат остига олган ва тегишлича қарорлар қабул қилган. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг шу йил 25 сентябрь куни ўтган сессиясида ҳам кенг қамровли тадбирлар белгилаб олинди.

Газета чиқишларига омад тилаб

А. АЙДАРҚУЛОВ. Навоий вилояти ҳокими.

АМАЛИЙ АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Аввал хабар берилганидек, Асакада мустақил Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг яна бир тармоғига оид корхона барпо этилмоқда. У Ўзбекистон ва Корея Республикалари ҳамкорлигидаги қўшма корхона бўлиб, келаси йилдан енгил ҳамда мўъжаз юк автомобиллари тайёрлаб чиқара бошлайди.

Корея Республикасининг ДЭУ корпорацияси билан техникавий ҳамда иқтисодий алоқаларни ўзаро чуқурлаштириш, ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон халқ хўжалиги тармоқлари раҳбарларидан бир гуруҳи Сеул шаҳрида бўлишди. ДЭУ корпорацияси раҳбарларининг таклифига биноан Ўзбекистон делегацияси таркибида Кореяга Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ва автомобилсозлик давлат концернининг раиси, республика автомобиль транспорти вазири, Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки раисининг ўринбосари ва бошқа вакиллар ташриф буюришди.

Вакилларимиз Кореяда бўлган кунларида турли масалалар бўйича суҳбатлар ўтказишди. Натижада янг икки муҳим ҳаҳдлашувга эришилди. Оммавий ахборот воситалари бундай ахдлашувни энг серсамара ҳамда рекорд муддатларда имзоланган ҳужжатлар, деб шарҳлашди.

Ўзбекистон Республикаси ва ДЭУ корпорацияси енгил автомобилларни биргаликда ишлаб чиқариш ҳақидаги хулосаларни чуқурлаштириш билан бирга, машиналарнинг бозор нархларини ўрганиш мақсадида 3000 дона автомобиль етказиб бериш ҳақида ҳам келишиб олишди. Ҳужжатда таъкидланганидек, автомобилларнинг нархлари ўртача баҳода белгиланиб, АҚШнинг 4 минг долларидан ортмаслиги керак, деб келишиб олинди.

Кореядаги шерикларимиз билан Тошкентдаги «Зенит» заводи базасида халқ истеъмол буюмлари тайёрлаб чиқарадиган қўшма корхона яратиш ҳақидаги ҳужжатлар ҳам имзоланди. Шундай қилиб, Ўзбекистонда Корея Республикаси корпорацияларидан бирининг иштирокида мураккаб маиший техника ускуналари ҳам ишлаб чиқариладиган бўлди. Унинг харажатлари уч-тўрт йилда қопланади, деб мўлжаллаб қўйилди.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ.

ТОШКЕНТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИДА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

Куни кеча Тошкентда илмий-технологик парклар бўйича III Халқаро конференция ўз ишини бошлади. Уни Тошкент Давлат техника дорилфунуни ректори О. Салимов очди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари М. Қорабоев табрик нутқи сўзлади.

Конференцияни ўтказишдан мақсад республикамиздаги ва чет эллардаги тажрибаларни таҳлил қилиш асосида Ҳамдўстлик давлатлари технопаркларини ривожлантиришнинг асосий дастурини, уларни барпо этиш бўйича амалий фаолиятни, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ўзига хос муаммоларни ва эришган ютуқларини кўриб чиқишдан иборатдир. Қолаверса, бизнес технопарклари ва инкубаторларининг минтақа иқтисодиётига мувофиқлаштириш тизимига таъсирини, уларнинг интеллектуал имкониятларини сақлаш, жамиятда фан ва билимнинг устиворлигини ошириш ишига қўшган ҳиссасини кўрсатишдир. Бошқача қилиб айтганда, бу анжуман ўз олдига ана шу муҳим йўналишнинг аҳамиятини кишиларга сингдириш, бу борадаги кучларни бирлаштириб, чет эл ва МДҲ тизимлари ўртасидаги алоқани ривожлантириш ва мустаҳкамлашни асосий вазифа қилиб қўйган.

Анжуманда АҚШ, Англия, Канада, Олмония, Япония, Швеция ва Дания бизнеси илмий-технологик парклари ҳамда инкубаторларининг етакчи раҳбарлари, мутахассислари иштирок этмоқдалар. Шунингдек, Россия, Қозоғистон, Украинадан ҳам вакиллар қатнашмоқда.

Кейинги йилларда Мустақил Ҳамдўстлик давлатларида 18 та технопарк ташкил топди. Ўзбекистонда ҳам Тошкент Давлат техника дорилфунуни базасида технопарк ташкил этилган. Ҳозиргача бу ерда кўпгина ибратли ишлар амалга оширилди.

Конференцияга технопарк ассоциацияси Президенти, Олий мактаблар халқаро фанлар академияси президенти профессор В. Шукшунов ҳамда Тошкент Давлат техника дорилфунуни ректори, профессор О. Салимов раҳбарлик қилмоқдалар. III Халқаро конференция қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси ҳамда МДҲнинг бошқа мамлакатларида бу анжуман бизнеснинг илмий-технологик тармоғи ривожига катта ижодий таъсир ўтказишига комил ишонч билдирмоқдалар. Бунинг учун вақтни бой бермай, чет эл ва ўзимиздаги бор тажриба асосида бизнес илмий ва технологик парклар ҳамда инкубаторлар ташкил қилиш бўйича амалий масалаларни ҳал этишга киришиш лозим.

Ҳ. ИКРОМОВ.

СУРАТЛАРДА: Халқаро конференция қатнашчилари. В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

Спорт

ОЛИЙ ЛИГАНИ КУЗЛАБ

● **БИРИНЧИ лига футбол жамоалари ўртасида Ўзбекистон миллий чемпионати якунланмоқда.**

Чемпионатнинг 33-тур ўйинларидан кейин олий лигага йўлланма олиш учун даъвогар жамоалар мавқеида бирмунча ўзгаришлар юз берди. Чунончи, ўйинлар жадвалида пешқадамлик қилаётган «Бахт» футболчилари «Локомотив» майдонида ютқазиб (0:1) қўйишди. Энди «Бахт» футболчилари қолган икки учрашувдан биттасини ўз майдонларида «Боғдодчи» билан ўтказадилар. Чемпионатда иштирок этмаётган «Нотўқимачи» эса бундан мустаснодир. «Политотдел» футболчилари эса очколарини 45 тага етказиб олий лигага йўлланмани деярли нақд қилиб қўйишди. Улар ўз майдонларида «Норин» жамоасидан 4:1 ҳисобида устун келдилар. 2-йўлланмага асосий даъвогарлардан ҳисобланган «Шифокор» футболчилари бу гал дам олишди. Бу жамоа охирги икки учрашувни ўз майдонида ўтказади. Шифокорчилар ҳисобида 43 та очко бор. «Политотдел» футболчилари якунловчи учрашувни сафарда ўтказишлари лозим. Демак, олий лигага бериладиган икки йўлланма «Политотдел», «Шифокор» ва «Бахт» жамоаларининг сўнгги учрашувлари натижасига боғлиқ бўлиб турибди.

КЕЛ-ГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

● «УМР НУРЛАРИ» (ШАРОФ РАШИДОВ ҲАҚИДА ЛАВҲАЛАР).

● «БОЛА УҒРИЛАРИ» (СУД ОЧЕРКИ)

● «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ТАКЛИФ ЭТАДИ: ЎҚИНГ, ЎҚИНГ, МАҒЗИНИ ЧАҚИНГ, МУЛОҲАЗА ҚИЛИНГ, АМАЛДА ФОЙДАЛАНИНГ: «ТИЖОРАТ ВА БИР ОШАМ ҲАЛОЛ ЛУҚМА».

● ГАЗЕТХОНЛАР ИЛ ТИМОСИГА КУРА: «ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» ВА УИГА ЗАМОНАВИЙ ШАРҲ.

● НАМАНГАН: «КИОСКА ОРТИДАГИ ҚАРОҚЧИЛАР». (Фельетон).

• Умидли суратқаш Абдувоҳид Тўраев ижодига бир назар

1.



Афсус, кўзим ўтмай қолганда чиқяпти бу китоблар.

3.

Оқ рўмолли отинча қизлар.

2.

Мустақиллик болаларига олтин бешиклар.

Бундай қараганда суратқашлик касби жуда осонга ўхшайди. Унинг машаққатларини биз газетчилар кўпроқ биламиз. Суратқаш меҳнатини игна билан қудуқ қазишга тенглаштириш мумкин.

Абдусаттор Тўраевни республикамизда билмаганлар жуда кам. Яхши ота ўз касбини болаларига ўргатади дейишади. Унинг ўғиллари, Абдужаббор, Абдувоҳидлар ҳам ота изидан бордилар. Шу касбга меҳр қўйдилар. Биз бугун ёш, аммо лекин келажаги порлоқ суратқаш Абдувоҳид Тўраевнинг ижодидан бир шингилини муштарийларга ҳавола этмоқдамиз. У 1985 йилдан бери ўз ижоди билан Республикамиз матбуотида мунтазам қатнашиб келмоқда. Яқинда Абдувоҳид журналист дипломини олди. Кузатган бўлсангиз, унинг изланишларида этюд жанри муҳим роль ўйнайди. Уни билганлар, топиб расмга олади, деб таърифлашади. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Оила ва жамият» газеталаридаги фототанловларда совринли ўринларни олди. Ҳозир у Ўрта Осиё Мовороуннаҳр диний бошқармаси нашриётида ишламоқда.

4.

Қўклам билан куз учрашди.

• Ишчи ошхоналарида аҳвол қандай?

Халқимиз иқтисодий тангликни бошдан кечираяпти. Жумҳурият раҳбарларининг аҳолини ҳар томонлама ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўраётгани ҳеч кимга сир эмас. Аммо бу саъй-ҳаракат натижаларн қандай, халққа етиб бораяптими?

МЕҲНАТКАШГА КИМ ҚАЙИШАДИ?

Жиззах аккумулятор заводи ошхонасида кунига 300—400 ишчи-хизматчи тушлик қилади. Касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Ориф-жон Иномов ишчиларга тушлик учун ойига 900 сўмдан ёрдам пули берилаётганлигини таъкидлади. Замонавий услубда қурилган ошхонада қуюқ-суюқ овқатлар билан бир қаторда қатиқ, сут истеъмол қилиш мумкин. Ликопчаларда тарвуз, мева-сабзавотлар қўйилган. Ишчиларга шу ернинг ўзида ёпилаётган оби-нон манзур бўлмоқда.

Уй-жой қурилиши комбинати ошхонасида бўлганимизда ҳамроҳларимиз — «Жиззахсавдо» концерни муҳандис-технологи Абдусаттор Шабодов, вилоят молия бошқармаси нархлар бўйича мутахассиси Тўлқин Муродов ҳамда вилоят давлат савдоси, умумий овқатланиш матлубот жамиятлари ходимлари касаба қўмитаси раисининг ўринбосари Бектемир Ниятовлар худди ана шундай тадбиркорлик, уддабуронлик етишмаслигини таъкидладилар. Бозордан сотиб олинган маҳсулотларга кирим ҳужжатлари йўқлиги, калькуляция, кундалик таомлар рўйхати тузилмаётганлиги барчани ранжитди. Шу боис ҳам ошхонада тайёрланаётган шовла, лағмон, чучвара каби таомларнинг нархини бош ошпаз Тўлқин Пўлатовдан бошқа ҳеч ким билмайди.

— 1,5 та шавла учун 25 сўм узатгандим, 3 сўм қайтим беришди, — дейди хўранда А. Боймуродов.

Ошпаз эса шовланинг нархи 12 сўмлигини таъкидлади. Биз тушлик қилиб бўлган кишилардан тайёрланаётган таомларнинг сифати, тўйимлилиги ҳақидаги фикрларини сўрадик. Бу ерники ҳар қалай дуруст, деди А. Раҳматов. — Бизнинг ошхонада овқатнинг тайини йўқ.

Дарҳақиқат, темир-бетон буюмлари заводи ошхонасидаги аҳвол ачинарли экан. Соат эндигина 12.30 бўлишига қарамай, идиш-товоқ йиғиштириб юрган аёл тушлик тамом бўлганлигини айтди.

— Хоҳласаларинг қуруқ шўрва бор, — деди фаррош аёл. — Гўшти ҳозиргина тамом бўлди.

— Деярли ҳар куни аҳвол шу, — суҳбатга қўшилди заводнинг созловчи-пайвандчилар бригадаси бошлиғи Толибжон Холиқов. — Тушликка эртароқ чиқсанг, раҳбар уришади. Кеч қолсанг овқат қидириб, сарсон бўласан.

Ўша куни бош ошпаз Шароф Каримовни топиб бўлмади. Маълум бўлишича, унинг ўрнига 3—4 кундан буён укаси, фаррош ўрнига онаси ишлаб турган экан.

Қуюв цехи ишчиларидан Э. Эшонқулов, Х. Солихов, К. Мамажонов ошхона номигагина ишлаётганидан ранжиб гапирдилар.

— Хўрандалар кам келишади. Шунинг учун ҳам овқат кам тайёрланса керак, —деди завод бошлиғич партия ташкилотининг котиби Равшан Бойитов.

Шу фикрни завод директори Собир Зокировдан ҳам эшитдик. У шаҳар умумий овқатланиш корхонаси етарли даражада сифатли маҳсулот бермаётганлиги, ошпазнинг уқувсизлигидан нолиди. Ҳатто олинаётган маслликнинг кўп ёзилиб, кам берилаётганини айтди. Аммо озгина мулоҳаза қилинса, ишчилар ошхонасининг нима сабабдан ночор аҳволга тушиб қолганлиги, завод ходимларининг бу ерда тушлик қилмасдан уйларидан овқат олиб келишаётганлигини англаш қийин эмас. Ошхонада ишчилар учун имконият даражасидаги шароитлар яратилмаган. Тозаликка, санитария қоидаларига риоя қилинмаяпти. Таомнома, калькуляция йўқ. Ошхона фаолиятини назорат қилиши лозим бўлган ишчи-хизматчиларнинг тенг ярми аллақачон бу ерда ишламасалар-да ўринларига янгилари тайинланмаган. Оқибатда бош ошпаз Шароф Каримов хоҳласа келади, хоҳламаса йўқ. Нарх-наво ҳам унинг ихтиёрида.

Ишчи ошхоналари фаолиятини ўрганиш жараёнида шу нарсага амин бўлдикки, тайёрланаётган таомларнинг ҳақиқий нархи қанча ва у хўрандаларга қандай нарх ва қандай вазнда сотилиши кераклиги «сир тутилаяпти». Тўғри, бозор иқтисодиёти шароитида нарх-наво ўйнаб турибди. Ошхоналар учун масаллиқнинг бир қисми бозордан келтирилади. Таомлар учун қатъий нарх белгилаш амри-маҳол. Лекин ишчиларнинг талаби харид қилаётган нарсаларининг ҳақиқий баҳосини билиш.

«Ёш куч» акционерлик жамияти хизмат кўрсатаётган политехника олийгоҳи ётоқхонасидаги ошхоналарда кунига мингдан зиёд талаба тушлик қилади. Президент фармонига асосан берилаётган талонлар талабаларни иқтисодий муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этаяпти. Ўқув даргоҳи ва ётоқхона ёнида қурилиши лозим бўлган 400 ўринли ошхона битса жуда кўп муаммолар ижобий ҳал этилиши шубҳасиз. Ҳозир эса олийгоҳ раҳбарияти мавжуд ошхона ва буфетлар фаолияти устидан назоратни кучайтириш, талабаларга кундалик зарур шарт-шароитлар яратиш хусусида жиддий шуғулланиши зарур. Шаҳардаги бошқа ўқув даргоҳи-муаллимлар институти буфетида ҳам пештахталардаги таомларга нарх-наво ёзилмаган. Худди шу аҳволни ётоқхона ёнидаги талабаларга хизмат кўрсатадиган дўконда ҳам учратдик.

— Ишчи ва талабалар ошхоналарига жиддий эътибор бериш ҳар бир раҳбарнинг асосий бурчидир, — дейди ХДП вилоят кенгашининг котиби Т. Агламова. — Айнан шу соҳада йўл қўйилаётган камчиликларни тузатишга бевосита ёрдам бериш учун партиямиз фаолларини кенг жалб этмоқчимиз. Бу борада ХДП вилоят кенгаши бир қатор тадбирлар белгилаган.

Ушбу мақоладан мақсад ҳам шу. Мутасадди ўртоқлар ҳушёр тортиб, ходимларни тартибга чақирса, деймиз. Иқтисодий тангликдан асаблар таранг бўлган пайтда меҳнаткашга ким қайишади?

Б. САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● ШАХМАТ ОЛАМИДА

ШАТРАНЖИ КАБИР ҲИКОЯТИ

ШАТРАНЖ ОЛАМИДАГИ ГАПЛАР • МУТАСАДДИ FIDE МАМАЖОН МУҲИДДИНОВ

Улуғ бобомиз Алишер Навоий шатранж маданиятининг юксалишига ҳам муносиб ҳисса қўшган. Бу соҳанинг илғор вакилларини ўз қаноти остига олиб, уларга раҳнамолик қилган. Буларни шоир асарлари ҳам тасдиқлайди.

«Мажолисун—нафоис» асарида Навоий ўша давр илғор кишилари қаторида шатранж устодларини ҳам бирин-кетин тилга олган. У ўз умрининг сўнгги йилларида яратган фалсафий асари — олтинчи шеърий достони «Лисонут-тайр»да мажозий образлар ва уларнинг рамзий саргузаштлари орқали объектив борлиқни эътироф этган инсонни қўкларга кўтарган. Бу асарда «Шатранжи кабир ҳиколяти» сингари реалистик ҳикоялар ҳам бор. Таниқли навоийшунос олимларимиздан Абдуқодир Ҳайитметов унинг

Икки шатранж ўйнагувчи устод.
Арсан шатранжга айлаб кушод,
Икки жонибдин бўлиб орамгир,
Тўкдилар ўртада шатранж кабир...

сатрлари билан бошланган ушбу ҳикоясини қисқача таҳлил этиб, унда шатранжнинг усталик билан тафсифланганлигини, Навоий икки томоннинг бир-бирига қарши юришларини ҳарбий урушларга ўхшатганлигини ва ҳарбий атамалардан кенг фойдаланганини айтади. Навоий ҳикоядан ажойиб хулоса чиқариб, «бу икки шоҳ»нинг «уруши» тахтада турган доналар — сипоҳ-у пиёдаларни бир «силкиб юбориш билан ном-нишони ўчадиган уруш», — деган. Ҳикоя қуйидаги байтлар билан тугалланади:

Чун харита ичра боғланди бари
Шоҳ қуйидир ё пиёда юқори.





Танловнинг 5 ва 6-топшириқлари. Оқлар бошлаб уч юришда мот қилади. Ҳар бир тўғри жавоб учун 3 тадан очко берилади.

Ўзбекистон овози

ХАРЧИНОМА

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ ТАЙЁРЛОВ КУЛЛИЁТИ ТЕСТ СИНОВЛАРИГА ТАЙЁРЛАШ КУРСЛАРИГА

1992-1993 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов куллиёти тест синовларига тайёрлаш курслари кундузги ва сиртқи бўлимларида чет тиллари, математика, она тили ва адабиёт фанлари асосида тайёргарлик олиб боради.

Тайёрлов куллиёти мутахассис тайёрлаш учун олий билимгоҳ ва корхоналар ўртасида тузилган шартномага биноан кундузги бўлим учун 50 минг сўм, сиртқи бўлим учун 25 минг сўм пул ўтказган корхона, ташкилот, муассасалардан юборилган ўрта маълумотга эга бўлган ёшларни суҳбат асосида қабул қилади.

Мазкур курсларга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак:

университет ректори номига ариза;

ўрта маълумот ҳақида ҳужжат (асл нусхаси);

пул ўтказилганлиги ҳақида ҳужжат;

086/У андозадаги тиббий маълумотнома;

3х4 см катталикдаги 6 дона сурат.

Паспорти ва ҳарбий мажбуриятга оид ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Кундузги ва сиртқи бўлимларга ҳужжатлар 20 октябрдан 25 ноябргача қабул қилинади.

Тест синовларига тайёргарликдан ўтган, лекин университетга қабул синовидан ўтолмаган ёшларга корхона томонидан ўтказилган пул қайтарилмайди.

Бизнинг манзилгоҳ: Тошкент — 63, Олмазор кўчаси, 183-уй, 6-корпус.

Тайёрлов куллиёти.

ВАЗИРЛИКЛАР, ИДОРАЛАР, КОНЦЕРНЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

Амалдаги қонун ва меъёрий далолатномалар билан давлат корхоналарига ёнилғи олиш учун нақд пул бериш таъқиқланишига қарамасдан, ёнилғи-мойлаш маҳсулотларига лимити бўлмаган янги тузилган корхоналар, кооперативлар, акционерлик бирлашмалар, қўшма корхоналар ва ҳоказолар нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобча (АЁҚШ)ларидан нақд пулга ёки бошқа давлат корхоналаридан қонунни бузган ҳолда олишмоқда.

Қонунбузарликни бартараф этиш ҳамда истеъмолчиларга қулайлик туғдириш мақсадида «Ўздавнефтмаҳсулотлари» Акционерлик бирлашмаси сизларга вилоят нефть маҳсулотлари таъминоти корхоналари билан икки тарафлама қулай бўлган шартнома асосида ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини етказиб беришни таклиф қилади.

Таклифларингизни вилоят нефть маҳсулотлари таъминоти корхоналарига беришингизни сўраймиз.

«ЎЗДАВНЕФТМАҲСУЛОТЛАРИ» АКЦИОНЕРЛИК БИРЛАШМАСИ

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети жамоаси француз тили факультетининг декани, филология фанлари номзоди, доцент М. Нишоновга отаси

Нишонбой РАЗЗОҚОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси раҳбарияти ва жамоаси қўмитанинг бош ҳуқуқ маслаҳатчиси С. С. Ғойибовга опаси

Мадина АБДУНАЗАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли суд тиббий экспертиза Бош бюроси жамоаси Навоий вилоят суд тиббий экспертизаси бошлиғи А. М. Адизовга ўғли

ОТАБЕКнинг

фожиали вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Узметаллургпром» Давлат концерни жамоаси капитал қурилиш бўлими бошлиғи Х. Содиқовга онаси

Турсуной СОДИҚОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва «Ўзбекистон овози» журналистлар жамоаси

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14, Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43, 32-53-16, Вилоят мухбирлари билан ишлаш—33-12-16, 33-11-49, Хатлар бўлими — 33-20-36, 32-54-35, Котибият — 33-72-83, 32-53-06, Ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14, Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-26-22, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 6-97-40, Термизда — 2-23-01, Тошкентда: шаҳар бўйича — 33-76-04, вилоят бўйича — 32-26-70

Навбатчи муҳаррир: Ҳамид ИКРОМОВ.

БИЗНИҢ МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида А—2 форматда босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди—20.30. Г—394. №208. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.